جدید

Tilda, fikrda, ishda birlik!

Jadid

adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

2024-yil 6-dekabr
№ 50(50)
www.jadid-media.uz

ТАРИХ ВА ТАҚДИР

БЎРОНЛАРГА БЎЙИН ЭГМАГАН АЁЛ

Қатағон – бу ваҳшат ва қўрқувнинг жирканч башараси. У нафақат шахс, балки тарих, адолат ва миллатнинг маънавий илдизларини қирқиб ташлайди. Мамлакатимизда 1920 йил охирида бошланган қатағоннинг совуқ шамоллари 1938 йилда қаттол бўронга айланди. Бу даврда инсон қадр-қиммати топталиб, меҳр-шафқат туйғуси изсиз йўқолди. Минглаб бегуноҳ инсонлар “халқ душмани” тамғаси билан аёвсиз жазоланди. Архив ҳужжатларига қараганда, 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача жами 10 700 нафар юртдошимиз қамоққа олинган. Улар асосан ақл ва истеъдод эгалари: ёзувчи, олим, жадид, давлат арбоби, ҳарбий, диний уламо, мустақил хўжалик эгалари, саводи бор, ҳурриятни истаган кишилар эди.

(Давоми 7-саҳифада).

ИФТИХОР

КОНСТИТУЦИЯНИНГ ДАЪВАТКОР РУҲИ, ШУКУҲИ



Ўтган йилнинг баҳори мамлакатимиз тарихи ва халқимиз ҳаётида унутилмас ва шукуҳли воқеаларга бой бўлди. Хусусан, Ўзбекистон Конституциясини энг замонавий талаблар мақомида янада такомиллаштириш мақсадида эълон қилинган референдум муносабати билан йўлланган таклиф-мулоҳазалар оқими қизғин тус олди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузурида ташкил этилган махсус гуруҳ аъзоларининг қўли-қўлига тегмас, мамлакатимизнинг турли вилоятлари, шаҳар ва туманларидан пайдар-пай келиб турган хат-хабарларни рўйхатдан ўтказиш, таснифлаш, гуруҳлаштириш ва уларни ўрнатилган тартибда ишчи гуруҳига тақдим этиш ўта масъулиятли вазифа эди.

Хатларда баён этилган фикр-мулоҳазалар алоҳида мавзу, лекин аксарият мактублардаги бир ўхшашлик – турли манзиллардан, турли ёш ва жинсдаги ватандошларимиз номидан йўлланган хатлар матнидаги “шахсий фикрим”, “шахсий қарашим”, “шахсий нуқтаи назарим” мазмунидаги таъкидли иборалар эътиборни тортмай қўймасди. Юзаки қараганда, оддий ва табиий туюлган мазкур таъкидлар аслида ниҳоятда жиддий ижтимоий-психологик аҳамиятга эга эди.

(Давоми 2-саҳифада).

ҚУТЛОВ

Академик Абдулла Аъзамов ҳақида ёзиш осон эмас. Бу ишга киришмоқчи бўлган киши камида устоз Алибек Рустамийдан узоқ йиллар сабоқ олган бўлиши керак. Ва яна: бу олим ҳақида бир нима ёзмоқчи бўлган киши ниятини ошкор қилмагани маъқул. Бошқаларни билмадим, аммо Абдулла ака эшитиб қолса, қуюқ қошларини чимириб, тақа-тақ тўхтатади. “Э, қўйинг, бошқа иш йўқми?” дейди.

ИЖОДНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ

Беш мучалга тўлганида дўст-қадрдонларига дастурхон ёзгани ёдимизда. Ўшанда Абдулла ака ҳар биримизнинг қўлимизга бир варақли йўриқнома тутган, унда дастурхонга ўтириб, қорин тўйганидан кейин бир нималарни баҳона қилиб кетвормаслик, яхши кайфиятда зарур-зарур гаплардан гапириб ўтириш, аммо зинҳор “юбиляр” деган сўзни ишлатмаслик, маъруза қилмаслик, ортиқча ҳамду санога берилмасликни қаттиқ тайинлаган эди.

Бу ҳам майли. Академик унвонига сазовор бўлган дўстимиз етмиш беш ёшга тўлганида эса бу ёруғ олам дунё мақомини олганидан бери бирорта “юбиляр”нинг хаёлига келмаган ишни қилди: Консерваториянинг муҳташам зали таклиф этилганлар билан тўлди. Олим таваллудининг 75 йиллигига бағишланган расмий тадбир аввалида саҳна пардалари аста кўтарилиб, Абдуҳошим Исмоилов бошчилигидаги санъаткорлар ҳазрат Навоийнинг умр шомида Аллоҳга илтижосини зикр-муножот йўлида фавқулодда маҳорат билан ижро этди.

Ё Раб, ўлғон чоғда жоним
жисми вайрондин жудо,
Ул бўлуб мундин жудо,
Сен бўлмағин ондин жудо...

Нақди жон чиққанда иймон
гавҳарин кўнглумга сол,
Айлағил жондин жудо,
лек этма иймондин жудо...

Юракларни сел қилиб юборган ижродан сўнг саҳнага... Абдулла аканинг ўзи кўтарилди ва кутилмаганда етмиш беш йиллиги қолиб, буюк композитор Людвиг Ван Бетховеннинг ҳаёти, ижодий мероси, дунёга машҳур 5-симфониясининг яратилиш тарихи, 35-38 ёшларида эшитиш қобилияти ёмонлашганига қарамай, симфонияни ёзиб тугатгани, асар илк бор 1808 йил 22 декабрь куни Венадаги машҳур “Ан дер Вий” театрида қулоғи деярли эшитмаётган муаллифнинг дирижёрлигида (оркестр аъзоларидан бири унга ишора билан такт бериб турган) ижро этилгани ҳақида мароқ билан сўзлай бошлади. “Симфония инсон қалбининг фавқулодда чуқур ва сирли дунёсини очиб беради. Гоҳ ёқимли лирик, гоҳ маҳзун ва ғамнок, гоҳ мураккаб фалсафий, кейин эса кучли драматик ҳолатлар асар композициясининг бағоят мукаммаллигини таъминлайди... Симфониянинг бошланиши бамисоли эшик қоқаётган ажалдан дарак берувчи огоҳлик қўнғироқларига ўхшаб кетади”.

Абдулла ака оғир-босиқ, аммо таъсирчан оҳангда, бироз ҳаяжон билан сўзларди. Менга ёнма-ён ўтирган таниқли санъаткорлардан бири: “Бу домла мусиқашунос экан-ку, менга математик олим дейишганди”, деди мен томон бироз энгашиб.

(Давоми 3-саҳифада).

ТАҲЛИЛ

ҲАММА ЎҚИЯПТИ. ЎҚИНГ!



ҚАЙСИ КИТОБНИ ЎҚИЯПСИЗ?

Ҳа, саволни айнан шундай бермоқчиман: сиз қайси китобни ўқияпсиз? “Сиз китоб ўқийсизми ўзи ёки ҳозир ўқияпсизми?”, деб сўрамоқчи эмасман. Мен ўқияпман ва ишонаман, умид қиламанки, сиз ҳам ўқияпсиз, бошқалар ҳам ўқияпти.

Донолар айтадики, замона айниди, дея нолиб юрувчилар замона айнишида айбли-дирлар. Энг ноинсоф кимсалар “Одамлар ноинсоф бўлиб кетди” деб янувчилар орасида учрайди. Ўғри “ҳамма ўғри” деб ўйлайди. Китоб ўқимай қўйган одамлар “ҳеч ким ўқимай қўйди” деган фикрда бўлсалар, эҳтимол.

Ушбу таҳлилий мақолани тайёрлашга кейинги вақтларда турли оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда “одамлар китоб ўқимай қўйди”, деган нохуш фикрнинг кенг тарқалаётгани сабаб бўлди. Албатта, бунга сиз ҳам гувоҳсиз. Кунда-кунора чиқиб турадиган бундай нолишларни кузатиб: “Наҳотки, азал-азалдан юзлаб етук алломаларни етиштириб, башарият тараққиётига унутилмас ҳисса қўшган ўзбек халқи бугун мана шундай буюк ворисийликдан мосуво қолган – инсонни комиллик сари элтувчи энг муҳим восита бўлмиш мутолаадан воз кечиб, китоб ўқимай қўйган бўлса?” деган аччиқ савол туғилади.

Ахир, бизнинг ота-боболаримиз, атоқли маърифатпарвар Абдурауф Фитрат фахрланиб ёзганидек, **“ҳар бобда, айниқса, илм ва маърифатда олам аҳли учун ибрат ва намуна бўлганлар – уларнинг илму маърифатлари “қийлу қол”нинг такрори ва ҳошияхонлиги бўлмай, балки улар ҳар бир илмнинг асосий моҳиятини яхши билиб, ундан малака ва маҳоратга эга бўлиб, мўътабар китобларнинг таълиф ва таснифига қодир бўлганлар”** эмасми?!

“Ўзингиз тўғрингизда ёмон гапирманг, бошқалар сўзингизга ишонишлари мумкин”, дейди француз адиби Андре Моруа.

Бугун Ўзбекистонга маърифат истаб келаётган, халқимизнинг миллий анъаналарига, унинг шонли тарихига қизиқиб, шу ерда таҳсил олаётган ёки илмий тадқиқотлар олиб бораётган, она тилимизнинг гўзал жозибасига ҳавас қилиб, уни ўрганаётган қанчадан-қанча хорижий дўстларимиз бор. Юртимизда фаолият олиб бораётган дипломатлар, тадбиркорлар ва бошқа соҳалар вакиллари бор.

Ана энди тасаввур қилинг: кундалик ахборот воситаларида бодраб чиқиб турган юқоридаги каби фикрларни ўқиб, уларнинг биз ҳақимиздаги тасаввурлари ўзгармайдими? Ҳадеб одамлар китоб ўқимай қўйди, деб ёзғираверсак, четдан кузатган одам булар ғирт саводсиз, оми халқ экан, деб ўйламайдими? Тараққиётдан, маданиятдан юз ўгирган бу қандай жамият бўлди, дея ҳайратга тушмайдиларми?

Наҳотки, шу фикрлар рост бўлса? Наҳотки, китоб ўқимай қўйган бўлсак? Агар чиндан ҳам шундай бўлса, нима учун ўқимай қўйдик? Китоблар етишмайдими? Яхши китоблар йўқми?

Келинг, бу саволларга биргаликда жавоб излаб кўрайлик, мавжуд вазиятга таҳлилий назар ташлайлик.

(Давоми 4-5-саҳифаларда).

ИБРАТ



НАВОИЙЛИК НОВВОЙ ОПА

Шаҳноза ойнинг ўн беши қоронғи, деган гап ҳақ рост эканига имон келтирганига кўп йиллар бўлди. У пулини тўлолмай, ижара уйлардан қувилгани, икки гўдак боласи билан ҳафталаб эски “Москвич” ичида яшаган кунларини эсларкан, Худонинг синовидан ёруғ юз билан ўтдим, дейди. Лекин автоулов панасида елкалари силкиниб-силкиниб йиғлаётган турмуш ўртоғини эсласа, барибир, эзилади. Бироқ шу онда ихлос билан тақдирига шукр айтади. Чунки бу кунлар тақдир синови эканини ўша пайт ҳам ич-ичидан сезиб турарди.

Новвой эрига қўшилиб тандир-тандир нон ёпди. Иссиқ нонларни аравачада кўп қаватли уйлар оралаб сотди. Фаслларни унутди, хамир қорди, нон ясади. Ўн йиллаб эски кийим кийди. Бировнинг эскисини кийганидан ўкинмади, борига шукр қилиб яшади...


Бугун унинг “Барака нон” МЧЖсида 200 киши ишлайди. Охирги ўн ойлик ҳисоб-китобларига кўра, йил бошидан буён ўн икки миллиард сўм маблағ айлантирибди.

Ҳа, меҳнат инсонни қадрлаши рост. Карманадаги “Барака нон” МЧЖни билмайдиган навоийлик йўқ бугун. Эл дастурхонидаги иссиқ ва бўрсилдоқ нонларни қўя турайлик, улар бугун чет элларга саёҳатга кетаётган ҳамюртларимиз билан дунё юзини кўрмоқда.

(Давоми 3-саҳифада).

ОНАЖОНИМ – ТАБИАТ

БИЗНИ ШОИР ҚИЛГАН ГУЛЛАРНИНГ СЎЗИ...



Мен Жайҳунбўйи тарафларда улғайганман. Тенгдошларим қатори эналаримизнинг:

– Ҳой, ғўра тераман деб дарахтларнинг шохини синдирманглар. Улар оддий чивиқ эмас. Жони бор, нафас олади. Қарсиллатиб синдирсаларинг, худди қўлларинг синганидай, уларнинг ҳам жони оғрийди, – деган танбеҳларини эшитардик. Лекин бола эканмиз-да, у қулоғимиздан кириб, бунисидан чиқиб кетарди. Мактабдан қайтишда папкаларимизни бир чеккага қўярдик-да, аввал нимтатир ғўраларга, сўнгра навдаларида дурдай тизилган тутларга осилардик. Ўғил болалар дарахтга тирмашиб кетар, биз қўлимиз етган шохларни қайирардик. Синадими, йўқми, истагимизга етсак, бас.

Яна ўша эналаримиз (балки яна кимлардир):

– Сувга ахлат ташламанглар, уволи бор, – дегич эди.

(Давоми 2-саҳифада).

КОНСТИТУЦИЯНИНГ ДАЪВАТКОР РУҲИ, ШУКУҲИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Гап шундаки, жамиятда кечаётган улкан ислоҳот жараёнлари кишиларнинг руҳиятида, тафаккурида, дунёқарашида фавқулодда ўзгаришлар ясаши ғоятда жиддий масалалардан ҳисобланади. 2017 йилнинг илк кунларидан қизғин тус олган ислоҳотлар нафақат мамлакатимиз, жамиятимиз ва фуқароларимиз ҳаётида, балки каттаю кичик ҳар бир ватандошимиз дунёқарашида ўзига хос руҳий эврилишлар жараёни бошланишига туртки берди. Бошқача айтганда, жамиятдаги янгиланиш эҳтиёжи ва истаги одамлар кайфиятидаги янгиланиш эҳтиёжи ва истагида ўз аксини топа бошлади. Бундай ҳолатларда табиий равишда кишиларда шахслашувга мойиллик кучаяди, яъни фуқароларда дахлдорлик туйғуси ортади, шахс – жамиятда юз бераётган ўзгаришларнинг бош ва марказий фигурасига айлана боради.

Бугун биз тўла асос ва ишонч билан айтишимиз мумкинки, янги таҳрирдаги Конституциямиз Ватанимизнинг Бош ҳуқуқий ҳужжати сифатида фуқаролар тийнатида шахслашув жараёнини бошлаб берувчи, шахслашувдек олий инсоний мартабага – комилликка ундовчи, даъват этувчи манба вазифасини ўтамоқда. Ушбу мулоҳазадан келиб чиқилса, Конституциянинг дастлабки сатрларида зикр этилган “халқ иродаси” ибораси Бош ҳужжатимиз туб моҳиятининг, устувор маъно-мазмунининг, керак бўлса, марказий ўқи-умуртқасининг тимсоли ўлароқ бобосўз вазифасини ўтаётганини, зеро, ҳар қандай “халқ иродаси” тушунчаси моҳиятан шахс ва шахслар иродасидан бошланишини англаш қийин эмас.

Жамиятимизда сўнгги йилларда кузатилаётган ўзига хос ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий-маънавий кўтарилиш-эврилишлар занжири халқимиз онги ва тафаккурининг мустаҳкам қатламига айлана бораётгани қувонарли воқеа, албатта. Ва фахр билан баралла тасдиқламоғимиз даркорки, амалдаги Конституция моддалари ҳар жиҳатдан мазкур занжирнинг мустаҳкамлигини оширишга қаратилганлиги билан ҳам қадрли ва қимматлидир.

Давлат суверенитети, чунончи, мустақиллиги, демократлиги, ҳуқуқийлиги, аввалambор халқ манфаатлари учун хизмат қилади. Давлатнинг фуқаролар олдида масъуллиги, ўзбек тилининг давлат тили мақомига эгалиги, қолаверса, миллий мансублигидан қатъи назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросини “Ватандош” деб аталгувчи ягона олий мартаба остида жипслашувга ундалаётгани холис ниятли ҳар бир кишига чексиз ғурур, ифтихор бағишлайди.

Ўзбекистон – нуфуси 40 миллионга яқинлашиб бораётган, дунё жуғрофий харитасида салмоқли ўринга эга катта давлат. ***Бинобарин, ҳаёт исталган пайтда муҳимдан-муҳим масалани кўндаланг қўйиши табиий. Бундай ҳолатда ана шу масаланинг умумхалқ машварати – референдумга қўйилиши (9-модда) фуқарога, шахсга бўлган эҳтиром, ишонч рамзи ҳисобланади.***

Демократия ва демократия принциплари тилдан тушмайдиган мавзу. Бу принципларнинг мағзи шу қадар бемиқёс ва шу қадар мазмундорки, улар хусусида сўз айтиш ҳар қандай инсоннинг баҳри дилини очади. ***Ахир инсоннинг “ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари” (13-модда) ОЛИЙ қадрият эканлиги белгилаб, тасдиқлаб қўйилмоқда. Бу каби олий мақомларга эришмоқлик, жумладан, инсоний фаровонлик ва ижтимоий барқарорликни таъмин этишда қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик тамойилларини қўллаш давлат зиммасида қолмоқда (14-модда).***


Мана шундай ҳуқуқий муҳит ҳукм сурган жамиятда фуқаро давлат билан қай тартибда муносабат ўрнатиши катта аҳамиятга эга. ***Мазкур муносабат қай тартибда ўрнатилиши 20-моддада аниқ-равшан зикр этилган. Яъни, бундай ҳолатларда “ҳуқуқ ва мажбурият” мезонлари орқали адолатли мувозанатга эришилади.*** Ушбу модданинг сўнгги хатбошиси нафақат мазкур модданинг, балки Конституциямизнинг буюк инсонпарварлик руҳи билан суғорилганини тасдиқлайди. Ўқиймиз: ***“Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади”.***

Бу норма бир томондан, инсоннинг инсонлигини улуғловчи, иккинчи томондан, оддий фуқарони шахслик мақомига ундовчи даъваткор чақириқдек ўқилади.

“Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар” деб номланган VII бобдан жой олган 11-модда бевосита биз сўз юритаётган мавзуни атрофлича қамраб олган. Юқорида таъкидланганидек, ***Конституциянинг 13-моддасида инсон “ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари” ҳақида сўз борган бўлса, 26-модда мазкур ҳуқуқларни яна бир карра алоҳида таъкидламоқда, тасдиқламоқда, уқдирмоқда. Яъни, “Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир”.***

Шаън ва қадр-қиммат мавжлари ниҳоятда сержилва, сертўлқин. Уларни атрофлича ва тўлақонли идрок этиш мавзуида жилд-жилд китоб ёзиш мумкин. Кундалик турмушимиз сўқмоқларида эса бу борада истаганча “ҳароратли” ва “совуқ” мисоллар учраши ҳеч кимга сир эмас. Мамлакатимизнинг Бош қомуси – Асосий ҳужжати эса такрор-такрор таъкидламоқда, ўзини шахс деб билган ҳар бир фуқарони ҳушёрликка, огоҳликка ундамоқда. Таъбир жоиз бўлса, навбатдаги моддада мазкур қадрият, ***“Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга” дея янада мустаҳкамланмоқда. 31-моддада яна ва яна шаън ва қадр-қимматни ҳимоя қилиш ҳуқуқи улуғланмоқда.***

Шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ҳақида сўз борганда ҳар бир зиёли одам кўз ўнгида 33-моддада баён этилган ҳуқуқий меъёрлар мисоли офтоб тафтидек нур таратади. Зеро, яшаш ҳуқуқидан сўнг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги инсон ҳаёти, умри, касб-кори, фаолияти, тақдири ва қисмати, қолаверса, авлодларининг истиқболига ҳам бевосита, ҳам билвосита таъсир кўрсатадиган, из қолдирадиган кучга эга. Онгли инсоннинг фикрлаши, ҳаётини ўзи истаган эътиқод асосига қурган ҳолда ўз нуқтаи назарини эмин-эркин ифода ва изҳор этиш ҳуқуқини таъминлаш замонавий башарият тамаддуни ва дунёнинг



Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

энг илғор юксакликлари сари дадил одимлаётган Ўзбекистон учун ғоятда долзарб ва муҳим вазифа, миссия бўлиб қолаверади.

Биз демократия, сўз ва фикр ҳурлиги мавзусидан сўз очилса, Ғарб тажрибаларига мурожаат қилишга одатланиб қолганмиз. Ваҳоланки, мисол тариқасида, алломаи замон Маҳмудхўжа Беҳбудий томонидан бундан қарийб 110 йил муқаддам тайёрланган “Турк адами марказият (федералист) фирқасининг маромномаси”да келадиган, “Ҳар ким ўз фикрини, хаёлини сўйламакда, матбуот ва бошқалар воситаси ила нашр ва эълон қилмакда ихтиёрлидур” деган сўзлари сўз ва фикр эркинлиги ҳар қандай давр ва замонда ҳам жамият тараққиёти ва равнақини таъмин этувчи қудратли восита бўлиб қолаверишидан, қолаверса, айни шундай орзу-ниятни ўзимизнинг жадид боболаримиз ҳам истаганидан, талаб қилганидан далолат беради.

Инчунин, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 33-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган “ахборот излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи” 53-моддадаги “илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлиги” меъёрида мантиқан давом этган. Икки моддадаги қадрият эса “Интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилинади” деган меъёр даражасига кўтарилган.

Ҳар қандай миллатнинг, халқнинг, жамиятнинг куч-қудратини ундаги интеллектуал салоҳиятдан келиб чиқиб тошу тарози палласига қўйиш аллақачон замонавий юксалиш мезонлари даражасига кўтарилган. Хусусан, навбатдаги Уйғониш юксакликлари орзусида яшаётган Ватанимизда мавжуд барча имкониятлар ақл-идрок, тафаккур, зеҳн-зеҳниятни ардоқлашга қаратилаётгани пировардида шахснинг, шахс имкониятларининг ардоқланиши эканлигига алоҳида урғу бергинг келади киши. Зеро, ҳар қандай тафаккур ортида инсон омили, инсон омили ортида эса шахс омили қад ростлайди, ҳар икки омил ортида эса Ватан, халқ, жамият манфаати давом этади.

Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кунни халқимиз улуғ шодиёна сифатида нишонлар экан, унинг туб моҳиятидаги ШАХСни улуғловчи, фуқароларимизни ШАХС сифатидаги комилликка ундовчи даъваткор руҳи-шукуҳини ҳар лаҳза, ҳамиша қалбимиз тўрида сақламоққа, асраб-авайламоққа бурчлидирмиз.

ЎЗБЕК ТИЛИМ – ЎЗ ТИЛИМ

“Шу юртда туғилганим – менинг бахтим!”

“Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурғон ойинаи ҳаёти – тил ва адабиётидир”, деб айтган эди моҳир педагог Абдулла Авлоний. Ўзга миллат вакиласи бўлган юртдошимиз Ирина Зеленова билан суҳбатимиз давомида жадид бобомизнинг тилимиз ҳақида айтган мазкур ҳикматли сўзлари мағзини чуқурроқ англагандай бўлдим.

– Ўзбек тили мен учун жуда қадрли ва азиз. Мен рус оиласида вояга етдим. Гарчи томиримда ўзга миллат қони оқса-да, ўзбек халқини ниҳоятда ҳурмат қиламан, – дейди Ирина Зеленова. – Айрим ўзбек йигит-қизларининг хорижий тилни ўрганишга зўр бериб, ўз она тилини пухта ўзлаштиришни кейинги даражага қўйишаётгани тўғри эмас, деб ўйлайман. Мен боғчада ҳам ўзбек гуруҳига борганман. Маҳалладаги ўртоқларимнинг аксарияти ўзбек фарзандлари эди. Ўзаро ўзбекча гаплашардик. Шу тариқа бу тилга меҳр қўйиб, уни астойдил ўргандим. Бугун ўғлим ҳам ўзбек тилида равон гапиради. Оиламизнинг барча аъзолари ўзбекчада яхши мулоқот қилади.

“Дунё бўйлаб” телеканалида “Ўзбек тилини ўрганамиз” лойиҳасини бошлагач, кўплаб мухлислардан фикр-мулоҳазалар, яхши гаплар эшитдим. Уларнинг кўпчилиги ўзга миллат вакиллари – ўзбек тилини ўрганишга қатъий киришган хорижликлар эди. Ўйлайманки, тил билган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди. Мақтанишга йўйманг-у, ўзим ҳозирда тўртта тилни мукаммал биламан. Аммо мен учун энг қадрлиси, юрагимга яқини, бу – ўзбек тили. Ўрни келди, айтиб кетай, ўзбек адабиёти намуналарини севиб мутолаа қиламан. Ўқиган китобларим ичида энг ёққани – Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи. Шу асар асосида ишланган бадиий фильмни ҳам оиламиз билан бирга севиб томоша қиламиз. Фильм



якунида йиғлаб ҳам олганимиз эсимда. Яқинда хориж саёҳатидан қайтдим. Ишонасизми, сафар чоғида шу азиз юртимни, гўзал шаҳрим – Тошкентни жуда соғиндим. Барибир ҳеч бир юрт Ўзбекистонга тенг кела олмайди. Шундай озод ва тинч Ватанда туғилганим, бу – менинг бахтим.

Дарвоқе, айтишни унутибман, айни вақтда Ренессанс Қоракўл мактабида рус тилидан дарс бераман. Ўқитувчилик касбини жуда яхши кўраман.


Зарнигор ИБРОҲИМОВА
ёзиб олди.

Бошланиши 1-саҳифада.

Тағин билганимиздан қолмасдик. Эҳтимол, бир пайтлар икки дарё оралиғига ўзгача бир ҳаёт бахш этиб турган Орол денгизига келаётган хатарни кўриб, кўнгли уйғоқ бировлар:

– Аллоҳнинг берган неъмати ўлчовсиз эмас, уни эҳтиёт қилинглар, – деб айтгандир. Ахир, сукунатдан овоз, жимликдан сўз устун пайтлар ҳам бўлган-ку халқлар тарихида. Аммо бу огоҳлантириш даврларнинг шамоли билан бирга қўшилиб учиб кетгандай... Ҳайқириб-ўкирадиган, тўлқинларида чағалайлар рақс тушиб юрадиган денгиз ўзидан қудратлироқ қаршиликка учраган вужуддай аста-секин кичрайиб, бора-бора қумликларга сингиб кетди... Денгизни йўқотиш ҳазилакам йўқотиш эмас!

Мактабни тугатаётганимда Жайҳунбўйининг бу катта фожиаси ҳақида кўп эшитган бўлсам-да, дунёни ёшликнинг зангор кўзлари билан кўриб яшаётган пайтим бўлгани учунми, “Ҳаҳ, шу экан-да”, тарзидаги лоқайд бир нигоҳ билан қараганман. Фарғонага ўқишга кетар онларимда ҳам табиат ҳақида ўйлаган-



БИЗНИ ШОИР ҚИЛГАН ГУЛЛАРНИНГ СЎЗИ...

ларим бундан зиёд эмас эди. Аммо ҳужжат топшириш учун илк бор (тунда келгандим шаҳарга) кўчага чиққанимда вужудимни исмсиз бир ҳаяжон ўраб олган. Баланд-баланд чинорларнинг учлари худди осмонга тегиб турганга ўхшарди. Дарахтлар шу қадар ямяшил эдики, умримда бундай чиройли рангни кўрмагандим.

Ўқишга кираётган одамга энг керакли нарса – вақт. “Бошини кўтармай китоб ўқийди”, тарзидаги таърифлар айнан ўша даврларга тўғри келади. Аммо мен учун ўша пайт шохлари бир-бирига туташ дарахтларни, ариқларда шилдираб оқаётган зилол сувни томоша қилиш энг завқли машғулот эди. Юрагим ўз-ўзидан жунбушга келар, хаёлан сал шабадада шовуллаб куйлаётган дарахт япроқлари орасига кирардим, қарасанг ойнадек юзинг кўринадиган тип-тиниқ сувнинг тўлқинларига қушдай қўниб, яна учардим. Кўз олдимга юртимдаги яккам-дуккам япроқлари кўсага ўхшатиб қўйган жиккак дарахтлар, лойқа сувли солма, ёлпар келарди...

Мен шундагина табиатнинг инсон ҳаётида тутган ўрнини англаганман. Дарахтлар, сув одам боласига фақат кислород бериш ёки унинг озуқавий эҳтиёжларини қондириш учунгина эмас, ҳаёт гўзалликларини ҳис этиши учун, ҳайрат деган туйғуни қалбидан кечириши учун ҳам керак экан.

Тўрт йиллик ўқиш даврида водий одамларининг табиатга муносабатини обдон ўргандим. Қалбимни завққа тўлдирган гўзалликларнинг бир учи меҳнатга тақалишини кўрдим. Олисдан келганим учун бўлса керак, дугоналарим ҳар шанба навбати билан мени уйларига олиб кетарди. Фарғонадаги тутинган аяларим, тоғаларим, ўртоқларимнинг ота-оналари парча ернинг ҳам қадрини билишар, агар экинлардан кафтдай ер ортиб қолса, ўшанга ҳам кўкат ва ё ўсма уруғини сепиб қўйишарди. Мен “ток оши”ни ҳам илк бор Фарғонага келиб еганман. “Коварток ош” дейишса, у қанақа таом бўлдийкин, дея оғзим очилган. Гулдан, тарвуз пўчоғидан мураббо...

Ер билан, боғлар билан ошнолик, меҳнатдан қочмаслик инсонни табиатнинг бир бўлагига айлантирар экан. Бу оламнинг барча инъомларини худди ўз жигарини яхши кўргандек яхши кўриб қоларкансан одам.

Балки, водийликлардаги лутф, кўнгил қадар ҳалимлик она табиатга ошнолик билан боғлиқдир. Мен “аяларим”нинг фарзандларини оғзидан туфук сачратиб уришгани, бақирганларини, рости, кўрмаганман. Агар ножўяроқ иш қилишса, лабларини қимтиб, бошларини чайқаб қўйишарди, холос. Ҳушларини йиғиб олиш учун шунинг ўзи етарли бўларди. Эшик ё дарвозадан хонадондаги эркак исмини чақириб келишлар (хотин-халаж ўзини ўнглаб олади-да шунда)... Келгувчини танишми, нотанишми:

– Келинг, хуш келибсиз, – дея лутф билан қарши олишлар...

Умуман олганда, зарифлик, назокатнинг турфа кўринишларини ҳам табиатдаги хушсувратлик билан боғлагим келади. Ахир, одам боласи тўрт тарафидан яхшилик билан қуршалган бўлса, ўзига ҳам, феълига ҳам юқади-да. Гуллар жилмайиб турган, тиниқ ва тоза сувлар ўз тилида куйлаётган жойларда одам ёмонлик ҳақида ўйлаши мумкинми? Албатта, йўқ.

Ўртоқларимиздан бири шоҳимардонлик эди. Ёзги сессия кунлари ўшаёққа дарс тайёрлагани кетардик. Китобимизни кўтариб ўрикзорга чиққанимизда майда чечаклардан бахмалдай товланиб ётган тоғлар, ўтлари белга уриб қолган адирлар кўзимга мўъжизадек кўринар:

– Қандай қилиб шундай гўзаллик ичида китоб ўқигиларинг келади? Тўйиб-тўйиб қараб, кўзларингни тўлдириб олмайсизларми, кейин дунёга шу кўзлар билан боқмайсизларми, барча ташвишлар шу гўзаллик ҳароратида эриб кетмайдими? – дердим ва ўзим чўққиларга қараб:

– Ҳ-о-о-й, тоғлар! – дея бақирардим. Акс садо қайтган сари кўнглимда шавқ қўзғалиб югурардим. Ўртоқларим:

– Вой, ана у телбани... Умрингда тош кўрмаганмисан, нима бало? – деб кулишарди.

Шундай сурурли лаҳзаларда мен тошлар ҳам, тоғлар ҳам инсониятга берилган бир туҳфа эканини англаганман. Одамлар нега саёҳат баҳона тоғу тошларга, табиатнинг хушҳаво гўшаларига интилади? Фақат кўриш учунми? Йўқ, кенгликларда юрагини кенгайтириб келиш учун. Фақат мен эмас, дунёнинг жуда кўп жойларини кўрган, тақдир тақозоси билан (ота-оналари қулоқ сифатида сургун қилинган) бир муддат Украинада – Қора денгиз бўйларида истиқомат қилган онам ҳам табиатнинг чин ошиғи эди. Онам мендан хабар олгани Фарғонага келганларида Хадичахон исмли ўртоғимникига олиб бордим. Уларнинг уйига қабристон оралаб ўтиларди. Онам:

– Қабристон ҳам шу қадар кўкалам бўладими? Келинг, қизим, ўриндиқларда ўтириб бирпас дам олайлик, – дегандилар.

Дарҳақиқат, қабристонда атиргуллар очилиб ётар, ҳаво хуш, муаттар эди. Қайтаётганларида онам бир неча боғлам атиргул кўчати ва ўсма уруғини уйга олиб кетган. Ўша йили илк бор ҳовлимизда атиргуллар гуллаган, томорқамизда ўсма қулф урган. Бир пайтлар болаларга қандай “Алифбе” (онам бошланғич синфларга дарс берарди) ўргатган бўлса, қиз-келинчакларга худди шу тарз атиргул ўстириб, ўсма қўйишни ўргатганлар.

Буюк рассомлар чизган суратларни кузатгансиз, албатта. Энг машҳур асарларда, шубҳасиз, табиат тасвири бўлади. Шоирларнинг шеърларида-чи? “Минг йилларки, Шарқ гул ва булбулга боғланиб яшайди”, деган гап бор-ку. Ҳассос шоир Ҳамид Олимжоннинг биргина “Ўзбекистон” шеърини ёдга олайлик:

...Қирлардаги қип-қизил лола,
Бўлиб гўё ёқут пиёла.
Булоқлардан узатади сув,
Эл кўзидан қочади уйқу...

Ёки Ойбек ҳазратларининг машҳур “Наъматак “ шеъри:

...Юксакда, шамолнинг беланчагида,
Нафис чайқалади бир туп наъматак...

Табиат одамзодга яшаш учун, тирикчилик учун озуқагина эмас, уларнинг истеъдодини кашф қилувчи, қалбларидаги қўриқларни очувчи қудрат эканлигини ҳам ҳис этамиз. Нима учун камбағалликни қисқартириш, аҳолини иш билан таъминлаш, ёшларга сифатли билим беришдек зарурдан зарур масалалар турганида, Президентимиз “Яшил макон” лойиҳаси учун ҳам вақт, ҳам маблағ ажратяпти, одамларни шу яхшилик атрофида бирлаштиряпти, деган саволга кўпчилик:

– Атроф-муҳитни тозартириш, экологияни яхшилаш учун, – деб жавоб беради. Бу жавобда ҳам хато йўқ. Лекин яна бир ҳақиқат борки, адолатли сиёсатда ҳар бир қадам, аввало, инсоннинг ўзини поклаш, қалбини тозартириш, кўнглини покликка тўлдириш учун ташланади. Аслида, “Яшил макон”, “Бир дарахт кессанг, ўнни эк!” каби ҳаракатлару шиорларнинг ҳам асосида ана шу улкан мақсад турибди.

Ўзбек ҳар хилқатга она деган сифатни беравермайди. Она тупроқ, она Ватан, она табиат каби муҳаббатининг, эътиқодининг бир қисми бўлган яралмишларгагина бу сифатни қўшади. Биз ҳам энг жарангдор товушларни бирлаштириб, бор овоз билан “Онажоним – табиат”, дея юзланар эканмиз, меҳру ҳайратларимиз, борингки, юрагимиздаги энг нурли туйғулар минг бир ришталарда шу азиз номга, бизнинг меҳримиз билан оналиги тобора қадр топадиган, севгимиз билан севиладиган табаррук исмга боғланади, боғланаверади.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

ИЖОДНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Мен ҳам юзимни шеригим томон буриб “Мусиқашунос, олим, ёзувчи. Ёзганларини ўқисангиз, зўр фикрлари, аччиқ-аччиқ, жизиллатадиган танбеҳлари қулоғингизга куй-қўшиқдай эшитилади, масза қиласиз”, дедим. “Донишмандлиги бор экан”, деди ҳамроҳим мамнун оҳангда.

Бу эътироф матбуотда эътибордан четда қолаётган кўплаб муаммоларни дадил кўтариб чиқадиган чўрткесар олим Зуҳриддин Исомиддиновнинг “Донишмандлардан бири...” сарлавҳали танқидий-кесатиқ мақоласини ёдимга солди. Зуҳриддин унда кўпчилик бир нима ёзса, телекўрсатувда қатнашса, минбарга кўтарилса, бирор фикрининг исботи сифатида “Донишмандлардан бири шундай деган экан...” дейишини, ўқувчи, тингловчи бу гапни қайси донишманд қачон, қаерда, нима мақсадда айтганини билолмай, боши қотишини хўб ўхшатиб киноя қилган эди.

Ўтмиш алломалар, дунёга машҳур донишмандларни ёдга олиш, уларга суяниш, доно фикрларидан иқтибослар келтириш зарур, албатта. Аммо бугун халқимиз орасидан илм-маърифатда, тафаккурда ўтмиш алломаларга муносиб издош десак тўла маънода арзийдиган, бир неча тилда, бир неча соҳаларда баробар ижод қила оладиган янги мунавварлар етишиб чиқаётган экан, истиқлол замонининг бу янги донишмандларига ҳам эътибор беришимиз, зарур эмасми?! Ижодкор устозлар Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Ҳалима Худойбердиева, Турсуной Содиқова, Шавкат Раҳмон, Эркин Аъзамов, Хуршид Дўстмуҳаммад, муҳтарам олимларимиз Азиз Қаюмов, Суйима Ғаниева, Ғайбулла ас-Салом, Ботирхон Акрамов, Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ғафуров, Неъматилла Иброҳимов, Убайдулла Уватов, Абдулла Аъзамов, Абдураим Эркаевни буюк боболарнинг муносиб издошлари рўйхатига киритсак ва бу рўйхатни бугун она тилида ҳам, хорижий тилларда ҳам бийрон сўзлаётган, ноёб илмий салоҳиятини намоён этиб, дунё нигоҳини Ўзбекистонга бураётган ёшлар билан тўлдириб борсак, хато эмас, ғоят тўғри иш бўлади. Вақт ўтганидан кейинги ҳамду санодан наф йўқ.

Абдулла акани мен ёшлар газетасида ишлаб юрган кезларим таниганман. Ўша йиллари газетада “МСМ – математикларнинг сиртқи мактаби” рукни бўлиб, у соҳага қизиққан ёшлар учун айни муддао бўлган. Абдулла аканинг суҳбатларидан математика у кишининг қон-қонига сингиб кетганини сезиш қийин эмас эди. Машғулотлар чоғи “Математика мантиқий фикрлашга ўргатади”, дерди ёш устоз.

Йиллар ўтиб, Абдулла ака таниқли математик олим сифатида шаклланди. Ҳозирги Миллий университетда дифференциал тенгламалар билан шуғулланди. Биринчи ўзбек энциклопедияси нашрига салмоқли ҳисса қўшди. Ҳижрий ва милодий тақвимларда саналарни кунма-кун ўгириш жадвалини ишлаб чиқди. Номзодлик ишини Тошкентда, докторлик ишини Санкт-Петербургда ҳимоя қилди. Иқтидорли ёшларга мантиқий математика хусусиятларини ўргатди. Кейин... Наманган сафарига кетди. Университетга ректор бўлди. Ўқишга қабул қилиш ва ўқув жараёнини ташкил этишга доир холис, адолатли тизимни йўлга қўйди. Бу тизим кўп ўтмай ўзининг ижобий самарасини берди. Аммо... ўша йиллари олий таълимни чирмовуқдек ўраб олган таниш-билишчилик “анъана”си янги ректорнинг бу шижоати йўлини, гарчи у кутилган самарани бераётган бўлса ҳам, тўсди. Тошкентга қайтишга тўғри келди. “Тафаккур” журналида иш бошлади.

Кейинчалик Абдулла ака билан Президент Девонида бир муддат бирга ишладик. Абдулла ака иқтидорли ёшларга мўлжалланган Олий адабиёт курсини ташкил этиш учун кўп меҳнат қилди. Расмий матнларни тайёрлашда жумлалар жилвасига эмас, фикр салмоғи ва мантиқий мушоҳадага эътибор берди. Бу орада “Алишер Навоий ғазалларида ҳазил-мутойиба” деган рисола ёзиб, дўст-қадрдонларига совға қилди. Туркий давлатлар математиклари жамиятининг вице-президентлигига сайланди. Мураккаб тенгламаю теоремалар устида ишлаб чарчамаган ҳолда, ҳазрат Алишер Навоий ижодининг бугунгача тадқиқ этилмаган жиҳати устида илмий изланиш олиб бораётгани кўплар учун кутилмаган ҳол эди.

Абдулла Аъзам Навоийнинг фалсафий таълимотини ўрганар экан, бу илм нима учун дунёга ёйилмай қолгани сабабини мутафаккир бобомизнинг ватанпарварлиги билан боғлаб, таниқли олим Б.Ҳасановнинг қуйидаги фикрини келтиради: “Навоий форс ва араб тилларини мукаммал билган. Ўша даврда кўплаб буюк форсийнависларнинг ижодий мероси туфайли форс тили улкан ҳудуднинг адабий тилига айланган. Бундан аввал араб тили илму фан, айниқса Қуръон ва ҳадис илмининг тили сифатида мактаб ва мадрасаларда чуқур ўрганилган, Навоий даврида ҳам бу тенденция давом этган, албатта. Ҳазрат Ҳиротда мактабда ва Машҳадда мадрасада эгаллаган араб тили бўйича билимини Самарқандда, бу тилнинг Абуллайс Самарқандийдек билимдони қўл остида ҳадди аълосига етказган. Бу шундан ҳам кўринадики, Навоий қаламига мансуб “Сабъату абҳур” номли қўлёзма мавжуд бўлиб, у юз мингдан зиёд (!) арабча сўз ва иборалар луғатидан иборат”.

Абдулла Аъзамов бу фикрни мантиқан давом эттиради: “Навоий араб тилида ҳам бемалол ижод қилиши мумкин эди ва бунда унинг шуҳрати нафақат Шарққа, Ғарбга ҳам тез ёйиларди... Навоий форс тилида ижод қилганида ҳам XVIII асрдан Европада шуҳрат қозониши мумкин эди – (чунки) шу даврдан форс адабиёти вакилларининг шеърларидан намуналар немис тилига таржима қилина бошланган. Низомийдан то Жомийгача. Уларни ўқиган Гёте қаттиқ мутаассир бўлган, ҳатто айни бир соҳа – фалсафадан иборат бўлиб, у “Физика” ва “Метафизика” қисмларига бўлинган. Кейинроқ математика, астрономия ва тиббиёт ривожлана бошлаганда ҳам фан ва дин ўзаро уйғунлигини сақлаган. Алишер Навоий ҳаётида эса дин, фан, адабиёт ва сиёсат яхлит тизим ҳосил қилган”.

Муаллиф ўқувчини аста-секин дунёда мавжуд, аммо кўплар тан олмаётган бир ҳақиқатга – Навоий ҳазратларининг ўзгармас ўзанига тортади: “Ислом Шарқида “илм” тушунчаси ҳам диний, ҳам дунёвий мазмун касб этган. Айни пайтда илмнинг бу икки палласи ўзига хос жиҳатларга эгалиги инкор этилмаган. XI асрдан (яъни тасаввуф таълимоти илм сифатида шаклланганидан) бошлаб “илми қол” ва “илми ҳол” тушунчалари муомалага киритилади. Дастлаб бу икки тушунча сўфийнинг зоҳирий ва ботиний дунёсига оид, муршиддан муридга берилиши мумкин бўлган ёки бўлмаган билимга нисбатан истифода қилинган. “Илми қол” сўз билан ифодалаш, ўргатиш йўли орқали берилиши мумкин бўлган билимни англатса, “илми ҳол” ҳар бир сўфийнинг ўз тафаккури ва эътиқодига хос, қалб кўзи билан етишган, ўзгаларга ўргатиш имкони бўлмаган билимни билдирган. Шу нуқтаи назардан қаралса, Абу Райҳон Беруний “қол илми”, Баҳоуддин Нақшбанд эса “ҳол илми”нинг етук вакили эди. Бири авлодлар учун нодир асарлар ёзиб қолдирган бўлса, иккинчиси юзлаб издошларига руҳият сабоғини берган”.



Мақоланинг якуний хулосаси: “Шўро мафкураси диний тарбияни йўққа чиқаришга ҳаракат қилса-да, унинг ўрнини тўлдира олмади. Албатта, даҳрийлар ичида ҳам юксак ахлоқ эгалари бўлган. Лекин бундай ахлоқни ўзида тарбиялашни мингдан бир одам уддаласа, Худодан қўрқмаган 999 нафари эса ҳеч нарсадан тоймаслиги мумкин. Чунки юксак ахлоқда собит қолиш, шайтоний ҳирсга ҳай бериш учун кишига маънавий таянч даркор. Дин ана шундай таянчларнинг энг оммабопи, тарих чиғириғидан ўтгани, демак, энг муҳимидир. Ахлоқий тарбия – диннинг биринчи галдаги вазифаси”.

“Зиддият ва боғлиқлик” деб номланган мақолада Абдулла Аъзам бошқа бир йўналишда ўзини кўрсатади: “Сўз – ўта тилсимли ҳодиса. У жуда жўн бўлиши ҳам, ниҳоятда мураккаб, қатма-қат маъноли бўлиши ҳам мумкин. Адабиёт сўз санъати сифатида нутқнинг бу хусусиятидан унумли фойдаланади, мўъжизалар яратади. Айниқса, Навоий шеърияти. Унинг ижодий меросида муҳим ўрин тутувчи сўзлардан бири – “наво”. Бу сўзнинг мумтоз адабиётда навобахш, навогоҳ, навозанда, навосоз, навосиз, бенаво каби ўндан зиёд ҳосилалари мунтазам қўлланилган. “Наво” сўзининг ўзи – кўп маъноли. Улардан бири Марказий Осиё архитектурасида арка маъносига эга, яна бири уй жиҳозларини билдиради. Бугунги ўзбек тилида бу сўз куй, қўшиқ маъносини англатади, холос. Бу – таассуфга лойиқ ҳол. Зотан, куй, қўшиқ “наво” сўзининг энг туб маъноси ҳам, муҳим маъноси ҳам эмас. Навоийнинг “Маснавий” асаридаги мана бу байтни олайлик:

Не бир аҳли давлатдин онча умид,
Ки, андин наво топса бир ноумид.

Байтда Абулқосим вафотидан сўнг Хуросонда юзага келган аҳвол тилга олинган. “Наво” деганда нима кўзда тутилган? Равшанки, асло мусиқа эмас. Луғатларга мурожаат этайлик. Беш жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “наво” сўзининг бешта маъноси берилган: биринчи ўринда куй, оҳанг, қўшиқ, сўнг: завқ, мақом номи, нола ва меъморчиликда қўлланадиган безак. Кўриниб турибдики, бу маъноларнинг бирортаси ҳам Навоий байти мазмунига мувофиқ эмас. Эроннинг “Деҳхудо” нашриёт уйи томонидан нашр этилган машҳур “Форс тили луғатнома”сида “наво” сўзининг биринчи маъноси сифатида “тирикчилик, кун кўриш воситаси” (“васойили зиндаги”) маъноси берилган. Ҳеч шубҳасиз, юқоридаги байтда худди шу маъно ўринли: ҳаётдан ноумид бўлган одам учун бир бурда нон тутадиган аҳли давлат (бой-бадавлат) топилишидан умид қолмади”.

Абдулла Аъзамов ушбу мақоланинг юқорида келтирилган беш-олти жумласини қоғозга тушириш учун қанча вақт сарфлади, қанча луғатларни варақлаб чиқди, қанча маънодош сўзларни бир-бирига қиёслаб чиқди экан? Тасаввур қиласизми?

Абдулла ака ҳамма қатори бир кеча-кундуз атиги 24 соат давом этадиган вақт оламида яшайди. Аммо кўп нарсага улгуради. Ёш навоийшуносларнинг тадқиқотларига, арузда ижод қилаётган катта-кичик шоирларга, бошқаларга ҳам, далда мактублар ёзади, қўллаб-қувватлайди.

Абдулла аканинг публицистик мақолаларида чуқур ижтимоий таҳлил, мантиқий мушоҳада ва улардан англашиладиган зарур хулосалар, рад этиш қийин бўлган аниқ таклифлар яққол кўзга ташланади. Илмий ижодкорликка хос хусусият бу.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

НАВОИЙЛИК НОВВОЙ ОПА



Бошланиши 1-саҳифада.

Новвойнинг ўзи эса бугун хамир қориб, нон ёпишдан бўшаган, катта-катта ташкилот раҳбарларию ҳокимлар билан бир қаторда камбағалликни қисқартириш масалалари билан банд. Вилоят ҳокими Нормат Турсуновнинг чорлови билан ташкилот раҳбарлари йиғинига борган Шаҳноза Навбаҳор туманидаги ишсиз аёллар рўйхатини кўрибоқ, ўз таклифини билдирди: “Бу аёлларни менга беринг!”

Иш топмай, ёрдам сўраб маҳаллама-маҳалла юрган аёллар кўзига дастлаб иш оғир кўринди. “Бу ишни эплолмаймиз” деб ортга тисарилишди. Шаҳноза уларни жон жойидан ушлади: “Кунига юз минг сўмдан бераман. Эпласангиз ҳам, эплолмасангиз ҳам”. Бу киши билмас “тузоқ” эди ва аёллар унга бир деганда илинди. Кўз қўрқоқ, қўл ботир, деб ҳаммалари ишлаб кўрадиган бўлди.

– Ўша куни аёлларни уй-уйига элтиб қўйдик, – дейди Шаҳноза Каримова. – Лекин масалани тубли ҳал қилиш керак эди. Вилоят оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Малика Тожиевна билан бу аёллар учун корхона филиалини очиш керак, деган фикрга келдик. Навбаҳор туманидан маъқул жой қидирдик. Ҳали бу опа-сингилларимиз биз айтган ишга кўнадими ўзи, деган савол ҳам бор эди. Ишламайман, деб кетворишса, сарфлаган пулимга куярман, деб ўйладим. Ахир, қўлларида йўлкираси ҳам йўқ аёллар бор эди.

Ҳокимият битмай қолиб кетган эски бинони, бир йиллик ижара пулидан кечиб, менга топширди. Таваккалига таъмирладим. Бош ҳисобчим “Дод, нима қиляпсиз”, дейди. Ҳеч иш бошлашга кўндириб бўлмайди. Пул бермайди, мени ўйлайди. Йўлини қилдим, қарзга кафел олдим, уста туширдим. Насияга келишиб кондитер печлар сотиб олдим, эски харобага келтириб туширдим...

Бино битди, аёлларни яна олиб келдик. Бундан аввал ўзимнинг ишчиларимни йиғдим. Уларга “агар шу ерга келган бирор аёл йўқ, ишлолмайман, деб кетса, ойликларингиздан кесаман. Ҳар қайсингиз шогирд тушган аёлга жавобгарсиз”, дедим. Бошқа чора йўқ эди. Шундай шарт қўймасам, ишини ўргатишга вақтини қизғанадиганлар бор. Ўрганишга келган шогирдни бир чўқишда ишдан бездиради. Ишонасизми, бирор аёл кетмади.

Ҳаммаларини авайладим, ширин муомала қилдим. Лекин мен корхонамни ҳам ўйлашим керак. Ишни тўлиқ ўрганиб, қўли пул кўргач, ойлигини кунлик эллик мингга туширдим. Чунки ҳар ишчи ўттиз кило маҳсулот чиқаради. Шу маҳсулотининг тушумидан ойлик чиқади. Ўтириб ҳисобланглар, дедим. Маошни яна юз мингга чиқаришим учун маҳсулотни кўпайтиришингиз керак, дедим...

Яхши маош таъмини тотган бу аёлларнинг ишга муҳаббатини кўринг! Бошида келиш-кетишига пул берганимда, ташлаб қочиб кетарди ҳаммаси. Ҳийла қилдим ва бу ҳийлам иш берди. Улар жуда зўр маҳсулот чиқара бошлади. Айтганимдан ҳам аъло. Худди онасидан нонпаз бўлиб туғилгандай. Ҳозир уларга пул бермасам ҳам, ишлайди. Чунки меҳр қўйди. Менга эса ана шу – ишга меҳр керак эди.

Аёллар Шаҳнозанинг, Шаҳноза эса вилоят ҳокимининг ишончини оқлади. Арзимаган бир марталик пулга сарғайиб юрган аёлларни уч миллион ойликка етказгани учун ҳокимият Шаҳнозадан миннатдор. Унга тадбиркорликнинг бошқа турлари учун ҳам ер ажратишга қарор қилинди. Таг жойининг ўзи бир миллиард олтмиш миллион сўмга баҳоланган жой ноль қийматда бериладиган бўлди. Шаҳноза бу жойда фақат аёллар ишлайдиган корхона қуришни режа қилган. Гўзаллик салони, психолог хизмати, кафетерия, тикувчилик, дизайнерлик, косметология ва пиширикдар, болалар массажига ўргатувчи курслар ташкил қилинади. Фарзандлари билан келадиган хотин-қизларга қулайлик яратиш мақсадида соатбай боғча фаолияти ҳам йўлга қўйилади.

...Шаҳнозани отаси жуда эрта турмушга берди. Ғиждувонлик куёв новвой экан, ёш келин-куёв ҳар куни ярим қоп ундан хамир қориб, нон пиширди. Лекин пулнинг баракаси бўлмади. Топгани ижарага кетиб қоларди. Шаҳноза тикувчилик қилиб кўрди, қўни-қўшнидан мева-сабзавотни арзон олиб, шаҳар оралаб сотди. Барибир, топган пули рўзғорга урвоқ ҳам бўлмади. Навоий шаҳридаги “Фарҳод” ашула ва рақс гуруҳига саҳнабоп кийимлар тикди. Яхши дизайнер бўлиб танила бошлаганида, сурункали юрак пороги аниқлангач, тикувчиликни тўхтатишга мажбур бўлди.

Шундан сўнг ташвишлари яна ортди. Энди турмуш ўртоғига тўлиқ кўмаклашадиган бўлди. Иккиси икки дўконни ижарага олиб, нон чиқара бошлашди. Доимий мижозлар топилгач, ишлар юришиб кетди. Шаҳноза нон ёнига патир қўшди. Бозорда унинг арава-арава нонини одамлар навбатда туриб кутадиган бўлишди. Эр-хотин бири қўйиб, бири хамир қораверди. Сан қил, ман қил, демади. Бир ёқадан бош чиқарди.

Ўша пайтлар турмуш ўртоғи ғиждувонлик бўлгани учун рўйхатга қўйилмаган – мамлакатда “прописка” деган жуда оғир муаммо бор эди. Бир вилоят фуқароси бошқа вилоятга рўйхатга олинмасди. “Прописка”си йўқлар эса машинага босиб олиб кетиларди. Эрини бундай ташвишдан узоқ тутиб, Шаҳноза кўпроқ ўзи югурди. Кўп қаватли уйларда ойна ювувчилик қилди, кишилар хизматида бўлди, бировнинг кирини ювди, бировнинг уйини тозалади.

Бу орада унинг иккинчи фарзанди Кумушхонга шифокорлар, узил-кесил, юролмайди деб ташхис қўйди. Ўзи ижарада яшаб юрган ҳолига бола ҳам юролмайди, бор тана билан судралади, холос. Қўл-оёқлар ишламайди, белини тутолмайди. Ўз уйи йўқ, ҳеч қаерда рўйхатда турмагандан кейин шифокорга мунтазам кўрсатишнинг ҳам иложи йўқ. “Нон ёпиб юраверганман, юриб кетади, деб ўйлаганман”, дейди Шаҳнозанинг ўзи бу ҳақда.

Қизалоқнинг касаллиги ўтиб кетиб, қийналади. Шаҳноза йиллар давомида ҳар жума бир тоғора пиширик пиширибэҳсон сифатида тарқатади. Одамлардан дуо сўрайди. Ижарага олган дўкон атрофига дарахт экади, туни билан челакда сув кўтариб суғоради. Уйқу деганини билмайди. “Бир хосияти бўлсин, менинг болам тузалсин”, дейди.

Боланинг оёғига темир қўйишади. Бир табибга даво истаб борадилар. Табиб унга бешик сиғар жой беради. Шаҳноза бешикка суяниб мизғиб-мизғиб ўтказади кунларини, табибникида уч ой шу тариқа яшайди. Орада турмуш ўртоғи нон тайёр бўлди, сотиш керак деб борса, болани табибнинг қўлида қолдириб, савдога югуради. Ахир, бошқа пул келадиган жой йўқ, имкон йўқ.

Бола юради, аммо гапиролмайди. Яна шифокор... Яна югур-югур... Яна чиқим... Кумушнинг касаллиги боши билан боғлиқ эди. Шаҳноза қачондир мўъжиза юз беришидан умид узмайди. Боласи тузалишига инонади. Йиққан-терган пулига боласини Зоминга олиб боради. Тоққа олиб чиқиб, китоб орқали даволайди. Ҳар хил бадиий асарларни овоз чиқариб ўқиб беради, ўқитади, тилидаги муаммолари билан ишлайди. Йигирма тўрт кун деганда бор-йўғи бир бандгина шеър ёдлата олади, холос. Аммо шу тўрт қатор шеър ҳам у учун натижа эди. Ҳозир унинг Кумушхони Бухородаги машҳур қоракўл мактабида энг юқори кўрсаткичлар билан ўқияпти. Йигирма масаладан йигирматасини бемалол ечади.

Эҳтимол, бу қийинчиликлар ҳали тугамас эди. Шаҳноза каби меҳнаткаш, ишбилармонлар замони келди. Мамлакатда янги давр бошланди. Тадбиркорлик соҳа сифатида тан олинди, уни ривожлантириш учун ҳамма шарт-шароит яратилди. Қўли олти, оёғи етти бўлиб югуриб юрган Шаҳнозани ҳам “Тадбиркорликни ривожлантирсам-чи”, деган ўй тарк этмай қолди. 2016 йилда давлатдан 25 миллион сўм кредит кўтариб, дўконини кенгайтирди. Бу пул унинг ниятлари олдида ҳеч нарса бўлмаслигини англаб, кредит суммасини 300 миллионга етказди.

Айни пайтда корхона учун кунига ўн тоннадан зиёд ун, юз килограммга яқин қаймоқ сотиб олади. 300 дан зиёд турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Нондан ташқари сомса, бичак, манти, чучвара, хоним каби тайёр таомларни ҳам элга тортиқ қилмоқда.

Шаҳноза пулга ружу қўйган аёл эмас. У инсон қадрини юксак кўради. Шунинг учун ҳар бир ишчисининг дарди билан яшайди. Уйида муаммоси бор ходимини дарров назоратига олади. Қарзи борнинг қарзларини тўлашади. Шунинг учун ҳам ишчиларининг ҳаммаси кўрган кўзга опа-сингил, қон-қариндош бўлиб кўринади. “Барака нон”нинг ҳар бир ходими корхонани ўзининг уйидай яхши кўради. Шаҳноза шу икки юз ишчисининг бепул тушлигини ҳам ташкил қилиб қўйган. Бундан ташқари, ҳафтада бир кун у 15-20 килограмм гуручдан ош пиширтириб, ходимлари кўнглини олади. Бир таом бошига келганларнинг риштаси мустаҳкам бўлади, дейди у.

“Барака нон” маҳсулотларига аҳоли ичида талаб кучли. Чунки сифатли. Бунинг устига чўнтакбоп, халқ лабини ялаб ўтиб кетадиган нархларда ҳам эмас. Асосийси, ишчи-ходимлар раҳбаридан миннатдор, меҳнатининг роҳатини кўрмоқда.

Шаҳноза эса ҳамон югурган-елган. Янги режа, лойиҳалар қилмоқда. Йиллар унга кўп сабоқ, ундан ҳам кўп фароғат берди. У тадбиркорлик оламига бир тандиргина нон билан келди ва бу оламда у ўғри билан ҳам, тўғри билан ҳам ишлади. Лекин ҳамманинг кўнглини топди. Ҳеч кимни қаватидан қўймади, ноумид қилмади.

“Одам ҳам нон каби азиз. Бир нонни уволидан, бир одамни малолидан қўрқиш керак”, дейди у. Балки унинг камоли ҳам шундадир. Зеро, Шаҳноза кабилар “олам уйидин” “камол касб этиб” чиқаётган беназир инсонлардир.

Муҳайё ПИРНАФАСОВА

2024-yil 6-dekabr
№ 50(50)

ҲАММА ЎҚИЯПТИ.

Бошланиши 1-саҳифада.

ДАВЛАТ РАҲБАРИ – БОШ ТАРҒИБОТЧИ

Аввало, Янги Ўзбекистонда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида илм-фан, таълим-тарбия, маданият, санъат ва адабиёт, жумладан, китоб ва китобхонлик масалаларига юксак эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарур.

Жамиятимизда мутолаа маданиятини ривожлантиришга устувор аҳамият берилиб, бу масала бўйича қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг бир неча қарорлари, хусусан, мамлакатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 январдаги **“Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича Комиссия тузиш тўғрисида”**ги Фармойиши юртдошларимиз томонидан кўтаринки кайфиятда кутиб олингани ҳаммамизнинг ёдимизда. Бугунги кунда мамлакатимизда ушбу муҳим ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш юзасидан бошланган катта ишлар, миллий дастурлар изчил давом эттирилмоқда. Ёшлар орасида китобхонликни ривожлантириш ва тарғиб қилиш вазифаси **“Ўзбекистон – 2030” стратегияси**нинг асосий мақсадларидан бири сифатида белгиланган ҳам ушбу масалага қанчалик жиддий эътибор қаратилаётганини кўрсатади.

Мамлакатимиз раҳбари шоир-ёзувчилар, ноширлар, олимлар билан доимий мулоқотда бўлади, ҳудудларга ташрифлари давомида имкон қадар жойлардаги кутубхоналарни кириб кўришга, улар фаолияти билан танишишга ҳаракат қилади.

Президентимизнинг хорижий давлатларга ҳамда турли мамлакатлар раҳбарларининг юртимизга расмий ташрифлари чоғида олий мартабали меҳмонларга китоб совға қилишлари хайрли анъана тусини олган. Муҳими, уларнинг аксарияти давлатимиз раҳбарининг Сўзбошиси билан чоп этилган. Президентимиз, шунингдек, “Туркий адабиёт дурдоналари” деб номланган 100 жилдлик китоблар туркумини нашр этиш ғоясини илгари сургани ҳам барчамизга маълум. Ушбу эзгу ташаббус асосида Ўзбекистонда амалга оширилган улкан лойиҳа – 100 жилдлик китоблар туркуми нафақат туркий дунё, балки жаҳоннинг узоқ-яқин бошқа минтақаларида ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Мамлакатимизда турли ёш тоифалари ўртасида “Ёш китобхон” танловининг ўтказилиши, унда ғолиб бўлганлар Президент совғаси сифатида енгил автомашина билан тақдирланиши аҳолида кучли қизиқиш ва рағбат уйғотмоқда.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда китобхонлик масаласи давлат эътиборидаги муҳим масала бўлиб, бу борада шахсан мамлакат раҳбари бош тарғиботчи эканидан, мутолаа маданиятини юксалтириш юртимизда умуммиллий ҳаракатга айланаётганидан далолат беради.

“ЁШ КИТОБХОН” ТАНЛОВИНИНГ ШОВ-ШУВИ

Ўзбекистон Президентининг юқорида тилга олинган Фармойиши қабул қилиниши, шу йилдан бошлаб “Ёш китобхон” танловининг ўтказилиши, унда ғолиб бўлганлар Президент совғаси – енгил автомашина билан тақдирланиши яхши маънода шов-шув уйғотганини барчамиз кузатдик.

Ёшлар ишлари агентлигидан олинган маълумотга кўра, 2017 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказилаётган “Ёш китобхон” танлови орқали қарийб **5 миллионга** яқин ёшлар қамраб олинган. Таҳлилларга кўра, китоб дўконлари ва кутубхоналарда энг кўп изланаётган китоблар ҳам “Ёш китобхон” танловида эълон қилинган **140** номдаги адабиётлар экани маълум бўлди. Бу ўз ўрнида китоб бозорида талаб ва таклифнинг ортишига ҳам хизмат қилмоқда.

2017 йилдан буён **280** нафар ёш китобхон танловнинг республика босқичида иштирок этган бўлса, шундан **20** нафари ғолибликни қўлга киритиб, Президент совғаси совриндори бўлган. Эътиборли жиҳати, танловда ғолиб бўлган **17** нафар қизнинг **7** нафари кейинчалик Ўзбекистон Президенти томонидан давлат мукофотлари билан тақдирланган. Демак, китоб уларнинг кейинги тақдирига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Хўш, жамиятимизда китобга бўлган эътиборни тубдан ўзгартирган ушбу муҳим маданий воқеалардан сўнг китобхонлик даражасининг ўзгаришини кимдир ёки қайсидир ташкилот жиддий ўрганиб, таҳлил қилиб чиққанми?

“ИЖТИМОИЙ ФИКР” НИМА ДЕЙДИ?

Энди, бевосита мана шундай ижтимоий сўровлар ўтказишга ихтисослашган “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказига мурожаат қилсак. Хўш, Марказда бу борада қандай маълумотлар бор?

Афсуски, Марказ ушбу қизғин воқеалар жараёнида китобхонлик даражасининг ўзгаришини ўрганмаган. Фақат, бу воқеалардан анча кейин, яъни 2021 йил январь-февраль ойларида Ўзбекистон ёшларининг китоб мутолаасига муносабати, бадиий адабиётга мойилликлари ва қизиқишларини ўрганиш бўйича телефон сўрови воситасида тадқиқот ўтказган экан.

Тадқиқот **18** ёшдан **35** ёшгача бўлган респондентлар ўртасида ўтказилган, уларнинг **60** фоиздан кўпроғини эркаклар ва **40** фоизга яқинини хотин-қизлар ташкил этган.

Сўровда иштирок этган ёшларнинг **47,1** фоизи китоб ўқиши, **52,9** фоизи китоб ўқимаслиги аниқланган. Китоб ўқийдиганлар ўртасида талаба ва ўқувчилар, декрет таътилида бўлганлар, доимий ишга эга бўлганлар кўпчиликни ташкил қилган. Ўқимайдиган респондентларнинг кўпчилиги ишламайди, уй бекаси ва эркин ишловчилар ҳисобланади.

Гендер кесимида қизлар ва ёш аёллар (*50,8 фоиз*) ўсмирлар ва ёш йигитларга қараганда кўпроқ ўқиши намоён бўлган (*44,7* фоиз).

“Сиз китоб ўқишнинг қандай усулини мақбул кўрасиз?” деган саволга **73,5** фоиз респондент босма китоб деб жавоб берган. Қолганлар: **13,9** фоиз электрон китобларни, **8,3** фоиз телефон ёки планшет орқали ўқишни, **2,4** фоиз аудио китобни ва **1,1** фоиз барча мумкин бўлган усулларни танлаган. Демак, босма китоб аввалгидек мутолаанинг энг оммавийлашган усули бўлиб қолмоқда.

Респондентларнинг қарийб ярми (*48,1* фоиз) Интернетдан китобларни қидириш ва юклаб олиш учун манба сифатида фойдаланишини, иккинчи қисми (*42* фоиз) китоб ўқишда ўзи учун Интернет ҳеч қандай роль ўйнамаслиги, улар фақат босма китобларни сотиб олиши ва ўқишини маълум қилган.

Китобни уйда ўқийдиганлар **85,3** фоиз, ўқиш ёки ишда ўқийдиганлар **15,5** фоиз, кутубхоналарда мутолаа қиладиганлар **8,6** фоизни ташкил этган. Транспортда кетаётганда (*1,9* фоиз), табиат қўйнида (*1,1* фоиз) ўқишни хуш кўрувчилар ҳам йўқ эмас. Респондентларнинг асосий қисми – **61,2** фоизи ўзбек мумтоз ва **29,9** фоизи замонавий ўзбек адабиётини маъқул кўрса, қолганлар хорижий адабиётлар ихлосмандлари экан.

Албатта, жамиятнинг ижтимоий кайфияти ва руҳиятини англаш ва таҳлил қилиш, шу асосда келгуси мақсад ҳамда режаларни белгилашда бу каби сўровлар ғоят муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази жамиятимизда китобхонлик даражасини мунтазам ўрганиб, натижаларини доимий эълон қилиб борса, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлаймиз.

ДАРВОҚЕ...

“Миллий тикланиш” газетасининг шу йил 19 ноябрь сонида **“АВТОМОБИЛЬ БОЗОРИДАГИ ҳолат ўрганиляпти, КИТОБ БОЗОРИДАГИ аҳвол эса йўқ!”** номли мақола эълон қилинди.

Муаллиф Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар марказининг Ўзбекистон автомобиль бозоридаги ҳолатни – ҳар бир деталь, ҳатто арзимас кўрсаткичларгача чуқур таҳлил ўтказганини таъкидлар экан, шундай ёзади:

“Шу ўринда ҳақли савол туғилади: жамиятда таълим тизими, ёшларнинг билим даражаси, тафаккури ҳақида автомобиллардан кўра кўпроқ гапирилаётган бир пайтда нега китоблар сотуви ҳақида шундай таҳлиллар қилинмаяпти? Агар ҳар ойда миллий китоб бозорлари фаолияти юзасидан вилоятлар, шаҳар ва туманлар кесимида таҳлиллар ўтказилиб, бу бозорда қайси вилоят пешқадам-у, қайси ҳудуд орқада қолаётгани кўрсатиб берилганида, балки ушбу соҳада ҳам жонланиш юз берармиди?”

Ўринли таклиф. Ўйлаймизки, “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ҳамда Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази бу таклифни, албатта, инобатга олади.

КИТОБЛАР ЕТИШМАЙДИМИ?

Айни вақтда Ўзбекистондаги жами оммавий кутубхоналар, шахсий кутубхоналар, ташкилотлар, китоб дўконларида қанча номда, қанча китоб фонди мавжуд? Бир йилда мамлакатдаги китоб дўконлари ва бозорлари орқали қанча номда ва тиражда китоб сотилади? Мана шу рақамни тахминий бўлса-да, ҳисоблаш мумкинми?

Давлат статистика агентлигига берилган бу каби саволларга жавоб тариқасида агентлик Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигидан олинган 2023 йилги маълумотни тақдим этди.

Мазкур маълумотга кўра, республикада жами **13 минг 46 та** ахборот-кутубхона муассасалари мавжуд. Уларда **43 миллион 493 минг 497** номда жами **71 миллион 131 минг 175 та** китоб фонди бор.

Энг кўп кутубхона Самарқанд вилоятида – 1 минг 511 та, энг кам кутубхона – Сирдарё вилоятида – **468 та**.

Жами фойдаланувчилар сони **11 миллион 396 минг 50** нафар – асосан **14–24 ёш** атрофидаги китобхонлар.

21 минг 714 нафар кутубхоначи, жумладан, **18 минг 173** нафар аёл мутахассислар фаолият олиб боради.

БОШҚА ТИЗИМДАГИ ТАШКИЛОТЛАРДА ҚАНЧА КИТОБ БОР?

Келинг, имкон қадар китобга, маънавиятга яқин соҳалардаги кутубхоналар фонди ва уларнинг китобхонларини бир қур ҳисоблаб чиқайлик.

Аввало, республикамиздаги бош китоб маскани бўлмиш Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг бебаҳо хазинасига бир назар ташлайлик.

Бугунги кунда Миллий кутубхонанинг умумий фонди **8** миллион **183** минг **235** нусхадан ташкил топган. Шундан китоблар **5** миллион **479** минг **605** номда. Жумладан, **7** миллион **142** минг **691** нусха босма нашрлар, **1** миллион **40** минг **544** нусха электрон китоблар мавжуд.

Миллий кутубхонанинг доимий аъзолари сони **120 мингга** яқин. Улар сафига ҳар йили **32-36 минг** янги аъзолар қўшилади.

Кутубхона ҳар йили ўртача **16–18 минг** дона китоб (мажбурий нусха ва харид) қабул қилиб олади. Бу кўрсаткич охирги йилларда ошиб бормоқда.

* * *

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг маълумотига кўра, бугунги кунда жами **10 минг 134 та** мактабда **10** минг **103 та** кутубхона мавжуд. Бу кутубхоналар **16** миллион **346** минг **826 та** бадиий адабиёт фондига эга. Республика бўйича **6** миллион **542** минг **493** нафар ўқувчининг 5 миллион **512** минг **267** нафари кутубхоналарга аъзо.

Афсуски, ҳар йили бюджет маблағлари ҳисобидан мактабларга китоблар ажратиш тизими мавжуд эмас. Ҳар йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан **15–20 минг** дона китоб ҳомийлик асосида ажратилмоқда.

* * *

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг маълумотига кўра, республикада мавжуд **182 та** олий таълим муассасаларида (давлат ва хусусий) **205 та** ахборот-ресурс маркази мавжуд.

Олий таълим муассасаларида жами талабалар сони 1 миллион 562 минг 330 нафардан ортиқ. Тизимдаги ахборот-ресурс марказлари фондида эса **3 миллион 762 минг 973** номда **23 миллион 672 минг 907** нусхада адабиётлар мавжуд.

Ҳар йили тизимдаги кутубхоналар учун **50 минг**га яқин адабиёт кирим қилинади. Китоблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 октябрдаги **“Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида”**ги 816-сонли қарорига асосан харид қилинади.



* * *

Ўзбекистон Фанлар академиясининг фундаментал кутубхонаси, шунингдек, академия таркибидаги **20 га** яқин институтлар тизимида **4 миллион 436 минг 897 та** китоб фонди мавжуд.

* * *

Рақамли технологиялар вазирлигидан олинган маълумотда кўрсатилишича, айни вақтда “ZiyoNET” таълим порталида **769 та** электрон ва **763 та** аудио китоблар мавжуд. Улардан доимий фойдаланувчилар **47** минг **681** нафарни ташкил этади.

Вазирлик тизимидаги Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказининг умумий босма фонди 2024 йил ҳолатига кўра, **47** минг **192** номда – **336** минг **968** нусхани ташкил этади. Шулардан, ўқув адабиётлари **7** минг **53** номда – **198** минг **168** нусха, илмий адабиётлар **26** минг **956** номда – **111** минг **600** нусха, бадиий адабиётлар **11** минг **725** номда – **18** минг **471** нусха ва турли нашрлар **1** минг **458** номда – **7** минг **729** нусхани ташкил этади.

Марказнинг электрон ресурслар фондида **35** минг **277** номда адабиётлар, жумладан, дарслик ва қўлланмалар, бадиий ва илмий адабиётлар, мақола ва диссертациялар мавжуд. Уларнинг барчаси марказ сайтига жойлаштирилган. Жорий йилда **2** минг **314** номдаги адабиёт рақамлаштирилган.

* * *

Маданият вазирлиги тизимида жами **1** минг **438 та** муассаса, жумладан, **41 та** театр, **49 та** концерт-томоша муассасаси, **837 та** маданият маркази, **367 та** таълим муассасаси, шунингдек, **144 та** кўзи ожизлар кутубхонаси фаолият кўрсатади. Ушбу ташкилотлардаги кутубхоналар фондида **2** миллион **233** минг **909 та** китоб бор. Кутубхоналарга сўнгги **2** йилда жами **319** минг **189 та** китоб харид қилинган бўлиб, янги китобларнинг **157** минг **164 таси** давлат бюджети, **4** минг **316 таси** бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳамда **130** минг **386 таси** ҳомийлик хайриялари ва **27** минг **322 таси** бошқа тартибда олинган.

* * *

Дин ишлари бўйича қўмитадан олинган маълумотда кўрсатилишича, айни пайтда Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонаси фондида **3 минг 133** дона қўлёзма китоблар, **9 минг 216** дона тошбосма китоблар, **6 минг 867** дона янги нашр қилинган араб тилидаги адабиётлар ва **2 минг 865** дона янги нашр қилинган ўзбек тилидаги адабиётлар мавжуд. Шунингдек, мамлакатимизда фаолият юритаётган **15 та** диний конфессияларда **42** минг **756** номдаги **108** минг **624** дона адабиёт мавжуд.

2023 йилда юртимизда **1** минг **48** номда диний адабиётлар нашр этилган бўлса, 2024 йилнинг шу кунига қадар **1** минг **77** номда шундай адабиётлар чоп қилинган. Шу билан бирга, **15 та** диний конфессия томонидан 2023 йилда **8** номдаги китоб **16** минг **200** нусхада, 2024 йилда **2** номдаги китоб **4** ярим минг нусхада нашр этилган.

* * *

Энди мамлакатимиздаги энг катта тизимлардан бири бўлган Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг маълумотларига эътибор берайлик: ҳозирги вақтда республика бўйича **9 минг 452 та** маҳалланинг **5 минг 226 тасида** кутубхоналар ташкил этилган. Бу зиё масканларида **260 мингдан** ортиқ китоб бор. Уларнинг фонди ҳомийлар ҳисобидан шакллантирилади.

* * *

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги **31 та** санаторийнинг барчасида кутубхона мавжуд. Улардаги умумий китоб фонди **57 минг 780 та**ни ташкил этади. Ҳар йили бу кутубхоналарга **15–20** номдаги янги бадиий адабиётлар, ижтимоий-сиёсий, соҳага оид китоблар харид қилинади. Шунингдек, Федерация тизимидаги **77 та** болалар соғломлаштириш оромгоҳида **75 та** кутубхона ташкил этилган бўлиб, уларнинг умумий фонди **42 минг 342 та** адабиётдан иборат. Ёзги мавсумда оромгоҳ кутубхоналари қўшимча китоблар билан таъминланади.

* * *

Масалага нашриётлар мисолида қарайдиган бўлсак, соҳадаги йирик муассаса – биргина “Шарқ” НМАКда йилига **100-120** номда, **150 минг**га яқин тиражда китоблар нашр этилмоқда.

***

Китоб соҳасидаги пешқадам муассасалардан ҳисобланмиш Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси **томонидан 2018–2023 йиллар мобайнида 512** номда **1** миллион **310 минг**та **китоб чоп этилган**. **Жумладан, жорий йилнинг ўзида 49 номда 146 мингдан зиёд ададда китоблар нашр қилинди.**

ҚИЗИҚ МАЪЛУМОТ

Мавзуни ўрганиш жараёнида Давлат божхона қўмитасидан қизиқ маълумот олдик. Қарангки, бу тизимда хорижий давлатлардан республикага кириб келадиган китоблар сонига эмас, вазнига қараб ҳисобланар экан.

Қўмита хабарига кўра, Ўзбекистон Республикасига:

2023 йилда **13 минг 769 тонна**;

2024 йилнинг 10 ойида эса **7 минг 779 тонна** китоб маҳсулотлари импорт қилинган.

2023 йилда китобларнинг салкам **7,8 тонна**си, 2024 йилда эса **13 тонна**сини турли луғат ва энциклопедиялар ташкил қилган. Китоблар дунёнинг **36 та** давлатидан келтирилган.

ШАХСИЙ ИБРАТ КЎРСАТАЁТГАНЛАР

Одамларимиз орасида китобга чин маънода меҳр қўйган инсонлар, шукрки, кўпчиликни ташкил этади. Буни шахсий маблағлари ҳисобидан ўз мактаби, қишлоғи, маҳалласи учун кутубхона ташкил қилаётган юртдошларимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Масалан, Андижон вилоятининг Марҳамат туманида тадбиркор Қобилжон Обидов томонидан бунёд этилган уч қаватдан иборат замонавий “Келажак нури” кутубхонасида **50 минг** нусхадан зиёд китоб ва **300 мингдан** ортиқ электрон адабиётлар мавжуд. Бу ерда **10 та** иш ўрни ҳам яратилган.

Кутубхона **30 дона** энг сўнги русумдаги замонавий компьютерлар билан жиҳозланган. Компьютерлар интернет орқали Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва вилоят ахборот кутубхона маркази тармоғига уланган. Кутубхона бир вақтнинг ўзида **300** нафардан зиёд китобхонга хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Китобхонларга қулайлик яратиш мақсадида “Book” кафе ташкил этилган. Мазкур зиё масканида турли танловлар, заковат ўйинлари, атоқли адиблар билан учрашувлар, китоб тақдимотлари ва адабий кечалар ўтказиб келинмоқда.

Таниқли шоир Барот Исроил ўзи истиқомат қилаётган Оҳангарон туманининг Тошсой қишлоғидаги ҳовлисида шахсий маблағи ҳисобидан икки қаватли кутубхона қурдирган. Кутубхонанинг биринчи қавати тўлалигича катта ўқув зали (бир вақтнинг ўзида *80* нафар китобхонга хизмат кўрсатади), иккинчи қавати эса китоб фонди, кўргазма заллари, кичик қироатхонадан иборат. Кутубхонада **10** мингдан зиёд китоб бор.

Куни кеча газетада ўқидим. Жиззах вилоятининг чекка Жийдали қишлоғида яшовчи Наргиза Қўшмонова “Нима учун фақат мен китоб ўқийман? Нега бошқа қишлоқдошларим бу неъматдан бебаҳра қолиши керак?” деган эзгу ният билан ўз қишлоғида “Умид” номли мўъжазгина кутубхона ташкил қилибди, мингга яқин китоб тўплабди. Омадини берсин.

ЭНДИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАЙЛИК

Эсда тутайликки, юқорида келтирилган факт ва рақамлар – имкон қадар йиғилган маълумотлар, холос. Ҳали бизнинг ҳисобимизга кирмай қолган китоблар қанча.

Халқимиз китобни севадиган, маърифатпарвар халқ. Демак, хонадонларда, атоқли илм-фан ва маданият намояндаларининг уйларидаги мавжуд китоблар сони ҳам салмоқли миқдорни ташкил этиши шубҳасиз.

Энди бор маълумотлар асосида хомаки ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, айни вақтда мамлакатимиз кутубхоналарида **128 миллион 692 минг 867 та** китоб мавжуд. Яна хориждан кириб келадиган **21** тоннадан ортиқ китоб маҳсулотлари ҳам бор.

Ўзбекистон аҳолиси 2024 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, **37,4** миллион кишилик нуфусга эга. Шундан ҳали фаол китобхонлик даврига кирмайдиган **0-7** ёшдаги болалар **7** миллионга яқинни ташкил қилади. Демак, халқнинг китоб ўқийдиган **30 миллионда**н ошиқроқ вакилига камида 128 миллион 692 минг 867 та китоб тўғри келади.

Ўзингиз айтинг, яна шу ҳолда ҳам китоб етишмайди, деб даъво қилишга ҳаққимиз борми?

АФСУСКИ...

Бир пайтлар, мустақилликнинг дастлабки даврларида, эсласангиз, кутубхоналарни мафкуравий яроқсиз китоблардан тозалаш ҳаракати бўлиб ўтган эди. Чунки собиқ тузум даврида чоп этилган аксарият китоблар истиқлол ғоясига тўғри келмас эди. Ўша даврларда ман-ман деган адибларнинг 10 томлик танланган асарларидан фақат биргина-ориққина жилди келгуси даврга ўтишга муваффақ бўлганини ҳам кўрдик. “Узумни ширин қилган Партияга минг раҳмат” қабилидаги собиқ компартияга ва “доҳий боболар”га қарата айтилган ҳамду санолар билан лиммо-лим асарлар ўз умрини яшаб бўлган эди.

Бундай “асар”лардан воз кечилгани яхши, албатта, лекин ҳазрат Алишер Навоий бобомиз: “Бўрк ўрнида бош элтур”, деганларидек, бугунги тил таъбири билан айтганда, “салла деса, калла олиб келадиганлар”нинг “шарофати” билан биргина “ЎзССР давлат нашриётида чоп этилди” деган тамға туфайли қанчадан-қанча ўзбек ва жаҳон мумтоз адабиёти намуналари ҳам макулатурага топшириб юборилгани ачинарли. Агар шу “тозалаш” кампанияси оқилона тарзда ташкил этилганида эди, мамлакатимизнинг китоб фонди янада кўпроқ бўларди.

АҲОЛИДА, ОИЛАЛАРДА ҚАНЧА КИТОБ БОР?

Буни биз билмаймиз. Ҳартугул, барча мавжуд кутубхоналар фондидан кам бўлмаса керак. Чунки ашаддий китобхон юртдошларимиз кўп.

Биргина мисол. Ўзбек адабиётшунослик фани ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган таниқли олимлардан бири Сувон Мели бадиий адабиёт, адабиётшунослик, фалсафа ва эзотерикага оид **60 мингдан** ортиқ китоб тўплаган.

Ўзим ҳам жавонларимга сиғмаган китобларимнинг бир қисмини ўқиган мактабимга, қолганини маҳалламизнинг янги очилган кутубхонасига совға қилдим. Ўқийман деган одамга китоб топиб бериш керак, деган фикрда қизиқадиганларга китоб тарқатаман. Уйда энг зарур ва қадрдон китобларим қолган, лекин шулар ҳам оила аъзоларимизнинг ҳар бирига **10–15 тадан** тўғри келади.

УЙИНГИЗДА КИТОБ БЎЛСА – МАЪНАВИЙ БОЙСИЗ

Ўтмишда – китоблар ҳали оммавий ададларда чиқмайдиган, қўлда саноқли нусхаларда кўчириладиган ва шу боис жуда қиммат сотиладиган бир замонларда уйида китоби бор хонадон моддий жиҳатдан бой ҳисобланган. Ҳозир китоби бор оила маънавий бой ҳисобланади.

Атоқли ўзбек адиби Абдулла Қаҳҳор: **“Хонадонда чироқ бўлмаслиги мумкин. Лекин китоб бўлмаса, бу гўшанинг кундузлари ҳам зимистондир”**, деб ёзади. Ким ҳам хонадони зимистон бўлишини хоҳлайди, дейсиз.

ЯНА БИР МУҲИМ МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон Чингиз Айтматов, Махтумқули асарлари энг кўп нашр этиладиган мамлакатлардан ҳисобланади. Бундан фахрланса арзийди.

Чингиз Айтматовнинг фарзанди Элдор Айтматовнинг хотирлашича, машҳур адиб ҳар гал Ўзбекистонда китоби нашр этилганида, “Қирғизистонда китобим чиқса, 4-5 миллион одам ўқийди, Ўзбекистонда китобим чиқса, 22 миллиондан зиёд одам ўқийди”, деб жуда хурсанд бўлар экан.

КУТУБХОНАЛАР ФОНДИНИ БОЙИТИШ УЧУН ҚАНЧА МАБЛАҒ АЖРАТИЛМОҚДА?

Иқтисодиёт ва молия вазирлигидан олинган маълумотга кўра, 2024 йилда республикамизда мавжуд давлат кутубхоналари ҳамда ахборот-кутубхона муассасаларининг китоб фондларини тўлдириш ва янгилаш харажатлари учун давлат бюджетидан қарийб **21,4 миллиард** сўм миқдорида маблағ ажратилган.

Хусусан, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси учун **10 735,1 миллион,** ахборот-кутубхона марказларига **8 910,8 миллион,** кўзи ожизлар кутубхоналари учун **1 440,8 миллион,** педагогика кутубхонаси учун **144,4 миллион,** Республика болалар кутубхонаси учун **80,0 миллион,** тиббиёт кутубхоналари учун **77,7 миллион сўм** миқдорида маблағ ажратилган.

ЎРНИ КЕЛГАНДА БИР ФИКР

Яқинда газетада Жиззах вилоят ахборот-ресурс маркази (болалар кутубхонаси) раҳбари Анвар Йўлдошевнинг шундай фикрини ўқиб қолгандим:

“2006 йил 20 июнда “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди. Ушбу Қарорга асосан шу пайтга қадар Маданият вазирлиги тасарруфида бўлган кутубхоналар иккига ажратилди. Вилоятлардаги оммавий (универсал) кутубхоналар Алоқа вазирлигига, туман марказий кутубхоналари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига, болалар кутубхоналари эса Халқ таълими вазирлиги тасарруфига ўтказилди ва Ахборот-ресурс марказларига айлантирилди.

Менимча, бунда вазирликларнинг давлат бюджетидан оладиган улуши ва бюджетдан ташқари топган маблағларидан бир қисми кутубхоналарнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилиши назарда тутилган бўлса керак. Аммо амалда кутубхона билан аҳоли ўртасидаги ришталар узилди. Энг ачинарлиси, Халқ таълими тизимидаги кутубхоналарнинг аҳволи яхшиланмади.

Қизиғи кейин бошланди. Кутубхоналарнинг Алоқа вазирлиги тасарруфида бўлиши унчалик ҳам тўғри эмаслиги маълум бўлгач, бунга тезда чора топила қолди. Яъни, кутубхоналар номига “ахборот” сўзи қўшилди.

ЎҚИНГ!



Қарабсизки, Ахборот-кутубхона маркази (АКМ) пайдо бўлди. Болалар кутубхоналари эса Ахборот-ресурс маркази (АРМ) деб юритила бошлади. Кутубхоначилар бир юмалаб маданият ходимидан алоқачига ва таълим тизимидагилари техник ходимга айландилар.

Дунёнинг ҳеч бир мамлакатида кутубхонага “ахборот” сўзи қўшилмаган ва биз бу борада биринчи бўлдик... Китобхонни “фойдаланувчи”, электрон китобларни “маълумотлар базаси” деб атайдиган бўлдик. Ҳамма замонларда ҳам кутубхона мутолаа маскани бўлган. Кутубхоналарга 4-5 та компьютер ўрнатилса, ахборот марказига айланиб қолмайди. Бу воситаларнинг ўз вазифаси бор, яъни китобхон китоб сўраб келса, бу асарнинг қоғоз варианти бўлмаса, электрон варианти билан китобхонни таъминлаш ёки ўша асарни бошқа кутубхоналардан топиш имконини беради (бу соҳада муаллифлик ҳуқуқига зид бўлган ҳаракатлар ҳам юзага келади).

Республикамиздаги мавжуд кутубхоналар ўз номи билан юритилиши тарафдоримиз. Мажбурлаб тиқиштирилган “ахборот” сўзини олиб ташлаш керак. Ҳар доим кутубхоналар оммавий кутубхоналар, болалар кутубхоналари, таълим муассасалари кутубхоналари... деб атаб келинган, АКМ ёки АРМ деб эмас.

Барча кутубхоналарни битта тизимга бирлаштирсак, самарадорлик юқори бўлади.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Юқорида ҳисобланган **128 миллион 692 минг 867 та** китобга ҳар йили яна камида **40–45 миллион**та китоб қўшилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги маълумотига кўра, айни пайтда республикада **602 та** ноширлик субъекти фаолият олиб боради. Шундан **54 та**си, яъни **9** фоизи давлат улушига эга бўлса, қолган **548 та**си, яъни **91** фоизи хусусий секторга тегишли. Бу кўрсаткич **2020** йилда – **168** та, **2021** йилда – **252** та, **2022** йилда – **364** та, **2023** йилда – **458** тани ташкил қилган. Ноширлик соҳасида фаолият бошлаган тадбиркорлик субъектлари сони **2020** йилга нисбатан қарийб **3,5** баробар, яъни **364** тага ошган. Демак, нашриётлар сони ҳар йили ўртача **100** тага кўпайиб бормоқда. Нашриётлар сонининг ошиб бориши, албатта, китоблар сонининг ҳам ошишига олиб келади.

Бир йилда мазкур нашриётлар томонидан, эътибор қилинг, **2023** йил давомида **15** минг **867** номда салкам **40** миллион нусха; **2024** йилнинг 10 ойи давомида **12** минг **770** номда қарийб **45 миллион** нусха адабиётлар нашр этилган.

ОЗГИНА ЛИРИК ЧЕКИНИШ

“Қалб тарбияси деган нарса бор, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоир Эшқобил Шукур. – Қалбни тарбиялаш адабиётнинг жуда катта вазифаси. Қалб тарбияландими, инсонда ҳамма нарса тарбияланади. Масалан, Абдулла Қодирийнинг китобини ўқияпсиз ёки болангиз ўқияпти. Болангиз-ку, болангиз, ўзингиз тарбияланасиз ўша пайтда. Сизга ҳеч қачон Абдулла Қодирий нуқиб ўргатмайди, ўз-ўзидан, табиийлик билан тарбиялайди. Саҳифама-саҳифа қалбингизни, фикрингизни, тафаккурингизни, дидингизни тарбиялаб боради. Шунинг учун ҳам китобнинг қадри муҳим.

Яқинда Озод Шарафиддиновнинг бир гапини ўқиб, қойил қолдим. Болалар айниб кетяпти, ёшлар ёмон бўлиб кетяпти, деяпмиз. Нима қилиш керак, деяпмиз. Бунинг арзон ва жуда осон йўли бор. Ҳамма болаларни китобхон қилиш керак. Болага китоб ўқишни ўргатинг, шунда бошқа ортиқча харажатларнинг кераги ҳам бўлмай қолади. Китоб ўқийдиган бола бошқача бўлади. Шунинг учун адабиётнинг вазифасини ҳар қандай вазиятда ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак”.

КИТОБ САВДОСИ

Юқорида республикада **602 та** ноширлик субъекти фаолият олиб бораётганини айтиб ўтдик. Хўш, улар нашр этган китоблар китобхонлар қўлига қай тарзда етиб боради?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги маълумотига кўра, янги нашр этилаётган китоблар республика ҳудудида фаолият юритаётган **682 та** китоб савдо дўконлари орқали сотилади. Шу билан бирга, **30 га** яқин нашриёт ва китоб савдо дўконлари томонидан жорий этилган етказиб бериш хизмати ҳамда онлайн савдо платформалари орқали ҳам китоб сотуви йўлга қўйилган.

КИТОБ САВДОСИ МУТАХАССИСЛАРИНИНГ ФИКРИ

Бир вақтлар биноийдек ишлаган “Ўздавкитобсавдо” давлат унитар корхонаси бугунги кунда паст самарадорлик билан ишлаётгани учун фаолияти тўхташ арафасида.

Бозор иқтисодиёти шундайки, унда бўшлиқ бўлмайди. Аввалги китоб савдоси тизими тугаётган бўлса, ҳозир бу соҳа табдиркорлар қўлига ўтган. Хусусан, 2003 йили ташкил этилган “Ўздавкитобсавдотаъминот” МЧЖ хусусий корхонаси барқарор ишлаб келмоқда. Ташкилотнинг йиллик савдоси айни вақтда ўртача **4 миллиард** сўмни ташкил этаётгани, ўйлаймизки, биргина мана шу рақамнинг ўзиёқ, одамлар китоб сотиб олаётгани, демак, ўқиётганини кўрсатади.

“Ўздавкитобсавдотаъминот” МЧЖ хусусий корхонаси директори Шаҳзод Назаров шундай дейди:

“Умумий ҳисоблаганда, бугунги кунда Ўзбекистон бўйича китоб савдоси йилига ўртача 240 миллиард сўмни ташкил этади. Шундан 120 миллиард сўмлик китоб савдоси мактабгача ва мактаб таълими тизимига тўғри келади. Қолгани бошқа тизимлар ва аҳоли ҳиссасига тўғри келади.

2019 йилда Ўзбекистонда китоб савдоси мустақиллик йилларидаги энг юқори кўрсаткичга эришган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев китоб масаласига алоҳида эътибор қаратгани натижасида ўша йили китоб сотувлари ҳажми олдинги йилларга нисбатан 30-35 фоизга кўтарилган. Бироқ кейинчалик коронавирус пандемияси***, 2020 йилдан солиқ имтиёзининг бекор қилиниши*** туфайли яна савдо ҳажми пасая бошлади. Ўша йилдан китоб дўкони қуриш ёки китоб дўкони учун ижара тўловларида имтиёзлар олиб ташланди. Натижада китоб дўконини юритаётган тадбиркор спиртли ичимликлар дўкони тўлайдиган даражадаги ижара ҳақини тўлолмай қолди.

2020 йилда нашриёт фаолияти учун лицензия талабининг бекор қилиниши китоб нашр этиш ишларини бироз жонлантирди. Гарчи ҳолат ***2019 йил***даги даражага қайтмаган бўлса-да, янги китоблар сони орта бошлади. Ана шу янгиликнинг меваси сифатида 2024 йилда янги китоблар нашр этилиши бўйича кўрсаткичлар анча яхши бўлди. Мисол учун, олдинги йилларда умумий нашр этилаётган китоблар орасида янги асарларнинг ҳиссаси 10-15 фоиздан ошмас эди. Асосан қайта нашр этилган китоблар бўларди. 2024 йилда бу кўрсаткич 30-35 фоизни ташкил қилди.

Мен шу соҳада фаолият юритаётган инсон сифатида китоб тарғиботи бўйича давлат буюртмасини ташкил қилишни таклиф этаман**.** Китоб тарғиботига бағишланган ижтимоий роликларни таъсирчан замонавий шаклларда телевидение, радио ва интернет орқали тизимли бериб боришни йўлга қўйиш керак. Айни қайсидир китобни эмас, умуман**,** китоб ўқишни тарғиб қиладиган рекламаларни кўпайтириш зарур**.** ***Мисол учун, маънавият соҳасига ажратилаётган 64 миллиард сўмлик бюджет маблағларининг 5 миллиарди шу роликларга ажратилса***, яхши натижага эришса бўлади. Бу ишга тадбиркорлар ҳам ўз маблағлари билан ҳисса қўшишга тайёр. Лекин давлат қўлловисиз тадбиркорларнинг ўзлари буни қилолмайди.”

* * *

Китоб савдоси бўйича тилга тушиб келаётган яна бир муассаса – “Asaxiy” интернет дўконининг “Asaxiy Book” бўлими орқали ойига ўртача **100 мингта**, чоракда **300–350 минг**, йилига эса **1 миллиондан** ортиқ китоблар сотилмоқда экан.

Зангиота туманидаги, халқ тили билан айтганда, “Канцтовар бозори”ни ҳаммамиз яхши биламиз, лекин бу савдо масканида, масалан, бир кунда қанча китоб сотилади – буни билмаймиз.

* * *

Энди “Китоб маркази” ва “Китоб дунёси” савдо тармоқлари раҳбари Шуҳратжон Охунжоновнинг фикрларига қулоқ тутинг:

“Ёшлар китоб ўқимайди, деган фикр хато**.** Улар китоб ўқийди, аксинча, биз китоб соҳасида ишлайдиганлар уларга янги ва сифатли китобларни етказиб беришда оқсаяпмиз, холос.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг китобхонликни ривожлантириш масаласига қаратаётган алоҳида эътибори юртимизда чинакам ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 сентябрда қабул қилган китобхонликни ривожлантириш тўғрисидаги қароридан руҳланган ҳолда, мен “Китоб олами” хусусий корхонасини ташкил этганман. Ташкилотимизда 100 га яқин одамни иш билан таъминлаганмиз. 2016 йилда ташкилотимизнинг бир йиллик пул айланмаси 43 миллион сўм бўлган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 4 миллиард сўмдан ошди.

Бугун мамлакатимиз бўйлаб ўнлаб “Китоб маркази” ва “Китоб дунёси” деб номланган тармоқ савдо марказларимиз бор. Корхонамиз аҳоли ва ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини ривожлантириш мақсадида ҳудудларда турли танловлар ўтказиб келади***. Масалан, биргина 2021 йилнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Жиззах вилоятларидаги китобхон ўқувчилар учун жами 10 та автомобиль ҳамда кўплаб номинациялар бўйича қимматбаҳо совғалар тақдим этилди. Вилоятлардаги барча уй таълимидаги болажонларга ҳомийлик асосида қизиқарли китоблар бердик.*** Ҳозирги кунда доимий равишда “Энг китобхон мактаб” ва “Энг китобхон оила” лойиҳалари доирасида чекка қишлоқ ва маҳаллаларда ижодий учрашув ҳамда китоб ярмаркаларини ўтказяпмиз.

Бугунги кунда ташкилотимиз доирасидаги китобсеварлар сони 3 миллионга етди. Насиб қилса, 2025 йилга бориб доимий китобхонларимиз сонини 10 миллионга етказмоқчимиз. Бугун мен 100 нафарга яқин ёшни иш билан таъминлаган бўлсам, икки йилдан кейин мана шу 100 нафар ёшнинг ҳар бири камида 100 нафардан тенгдошига иш беради. Мен бунга қатъий ишонаман.

Китоб орқали нафақат моддий жиҳатдан ютуқларга эришдим, балки инсонларга зиё, маънавият тарқатишдек сеҳрли оламга кириб келдим. Эҳтимол, айрим танишларим айтганидек, китоб ўрнига бошқа бизнес билан шуғулланганимда, бундан бир неча баробар кўпроқ даромадга эга бўлишим мумкин эди. Аммо бугун мен юракдан ҳис этаётган, инсонларга маърифат улашишдек бахт ва ҳузурни топа олмаслигим аниқ. Шунинг учун ҳам ҳеч қачон китоб дунёсини тарк этмайман. Ўзбекистон – китобхонлар юрти!”

* * *

Китоб савдоси бўйича америкалик таниқли адиб Арчибальд Маклишнинг ҳам ибратли фикри бор:

“Китоблар, ҳақиқий китоблар ўз-ўзидан сотилиб кетмайди. Китобнинг муқоваси қанчалик чиройли бўлмасин, унда китобнинг мазмун-моҳияти қанчалик маҳорат билан акс эттирилган бўлмасин, китобнинг ташқи кўриниши одамларда уни албатта сотиб олиб ўқиб чиқиш керак экан, деган фикрни уйғотолмайди.

Ҳақиқий китоблар уларнинг қандай китоблигини биладиган ва уларга ҳурмат билан муносабатда бўладиган одамларнинг ғайрат-шижоати туфайли сотилади. Бу ғайрат-шижоат эса аввало китобни варақлаб чиқаётган ўқувчини ишонтиришга қаратилган бўлиши керак. Энг ҳурматли танқидчи ёзган энг беназир тақриз ҳам ўқувчининг ўқувчи билан гурунгидан камроқ фойда келтиради. Бундай гурунгларда эса ҳар доим ўз китобларини ҳам, ўз харидорларини ҳам яхши биладиган китобчи энг обрўли суҳбатдош саналади.

Агар китоб савдосида шундай сотувчилар қолмаса, бу савдо ҳамма нарсани улкан ва ёрқин реклама плакатлари ҳал қиладиган, муваффақият ва муваффақиятсизлик ҳақида эса олинган даромадга қараб баҳо бериладиган совун ёки консерва савдоси каби оддий, ўртамиёна савдога айланади.”

ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ ҚАНДАЙ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА?

Албатта, аҳоли, жумладан, ёшлар ўртасида китоб ўқишни оммалаштириш ва рағбатлантиришда турли тарғибот тадбирларининг муҳим ўрни бор. Биз китоб тарғиботи бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолатини уч ташкилот – Ёшлар ишлари агентлиги, Республика маънавият ва маърифат маркази ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолияти мисолида ўргандик.

* * *

Ёшлар ишлари агентлиги томонидан 2017 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказилаётган **“Ёш китобхон”** танлови ҳақида юқорида айтиб ўтдик. Ёш оилалар ўртасида китобхонлик маданиятини ривожлантиришга қаратилган **“Ёш китобхон оила”** танловини ўтказиш орқали **160 минг** китобхон оила, шунингдек, **“Зукко китобхон”** танлови орқали **80 мингдан** ортиқ китобхон қамраб олинган.

“Мутолаа” лойиҳаси доирасида **3 минг 200 дан** ортиқ китобларнинг аудио ва электрон вариантлари тайёрланиб, мобил иловага жойлаштирилган. Бугунги кунда **1,1 миллиондан** ортиқ китобхон ушбу мобил иловадан фойдаланмоқда (**2 миллион 609 мингта** китоб ўқилмоқда).

“Ёшлар учун минг китоб” лойиҳаси доирасида жаҳон адабиётининг **50 номдаги** энг сара илмий-оммабоп китоблари танлаб олиниб, ўзбек тилига таржима қилинган. **“Жадидлар”** рукни остида **8 та** китобдан иборат тўплам **23 минг** (жами **184 минг**) нусхада чоп этилиб, ҳар бир таълим маскани, вазирлик, идора ва муассасалар кутубхоналарига етказилган.

Қомусий олимлар, маърифатпарвар алломаларнинг илмий ва маънавий мероси ҳақида **“Уйғониш”** рукни остида **7 та** китобдан иборат тўплам **20 минг** (жами **140 минг**) нусхада чоп этилиб, таълим масканлари, вазирлик, идора ва муассасалар кутубхоналарига етказилган. Миллий қаҳрамонларимизнинг болаларга хос персонажларини яратиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган **“Жасорат”, “Илдиз” ва “Жажжи академик”** китоблар тўпламлари нашрга тайёрланган.

“Маърифат карвони” лойиҳаси доирасида **4 миллиондан** ортиқ китоблар ёшларга етказиб берилган.

* * *

Айни пайтда, Республика Маънавият ва маърифат маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ҳам китобхонлик маданиятини юксалтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жойларда беш ташаббус лойиҳаси доирасидаги **“Зукко китобхон”, “Ёш китобхон”, “Ёш китобхон оила”, “Мушоира”, “Ибрат” чет тиллари танлови”, “Ментал”** ва **“Заковат”** лойиҳалари доирасида **4 минг 971 та “Маърифат улашиб”, “Китоб карвони”** акциялари ташкил қилиниб, таълим муассасалари, кутубхоналар ва маҳаллаларга адабий-маърифий мавзулардаги **48 минг 401 та** адабиётлар беғараз етказиб берилди.

“Беш ташаббус” лойиҳаси доирасида **12 та** олий таълим муассасасида **“Учинчи Ренессанс жадидлари – 2024”** китобхонлик форумлари ташкил қилинди.

Шунингдек, **29 минг 139 дона** китоб Марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимларига юборилди.

“Менинг илк китоб жавоним” лойиҳаси доирасида мактабгача таълим ташкилотларига **2 минг 200 дона**, жойларда маънавий-маърифий соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган турли соҳадаги ёш ходимларга **“Энг ёш маънавиятчи – 2024”** танлови орқали **2 минг 500 га** яқин китоблар совға қилинди.

“Китоб ўқиш маданияти оиладан бошланади”, “Ота-она ўз фарзандига яхши тарбиядан бошқа мерос қолдирмайди” каби мавзуларда **1 минг 630 та** маънавий-маърифий тадбир ўтказилиб, аҳолининг кенг қатлами ўртасида **“Китоб улаш!”** акцияси ташкил қилинди ва **22 мингдан ортиқ** китоб мактаб, маҳалла ва оилавий кутубхоналар ва аҳоли вакилларига тақдим этилди.

“Oyina.uz” порталида **4 босқичда “Китобларо 80 кун”** марафони ташкил этилди.

* * *

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан китобхонлик мавзусида бадиий-маърифий тадбирлар мунтазам ташкил қилинмоқда. 2018–2024 йилларда Уюшма ҳомийлигида чоп этилган **1 миллион нусхадан зиёд китоблар** маҳаллалар, таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, Меҳрибонлик ва Саховат уйларига **“Китоб акцияси”** тадбирлари доирасида совға қилинди.

2021 йилда **100 жилдлик “Рус адабиёти дурдоналари”**, 2022 йилда **100 жилдлик “Туркий адабиёт дурдоналари”** китоблар мажмуаси чоп этилди.

“Биринчи китобим” лойиҳасида 2010 йилдан 2024 йилга қадар жами **201** нафар ёш ижодкорнинг **196** номдаги китоби **3** миллион 210 минг нусхада нашр қилинди.

Шунингдек, **16 жилдлик “Қорақалпоқ адабиёти дурдоналари”**, **100 жилдлик “Жаҳон болалар адабиёти хазинасидан”**, **“Ўзбек адабиёти хазинасидан”** кўп жилдлик асарлар мажмуаси нашрга тайёрланмоқда.

Ҳарбий хизматчилар ва курсантлар қалбида ватанпарварлик, она юртга садоқат, мардлик ва жасорат туйғуларини мустаҳкамлаш, уларнинг жанговар руҳини ошириш, бу борада таъсирчан тарғибот ишларини олиб боришга қаратилган “Мард аскарга совға” туркумида 18 номда ихчам китоблар тўплами нашр этилди.

Уюшмада мунтазам равишда янги нашр этилган китоблар тақдимотлари ўтказиб келинмоқда.

ЯХШИ КИТОБЛАР ЙЎҚМИ?

Нега йўқ бўлар экан. Бугун яхши китоблар ёзиляпти ҳам, чоп этиляпти ҳам. Ўқишга яхши китоблар йўқ, дея баҳона айтгувчиларга айрим мисолларни келтириб ўтмоқчимиз.

Ўзининг асарлари ва таржималари билан жамиятимиз тафаккурини бир поғона юксакка кўтарган, бугун табаррук ёшда ҳам фаол ижод қилиб келаётган атоқли адиб ва таржимон, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров қаламига мансуб китоблар сони **30 дан** ошиқ экан. Ва устознинг яна шунча миқдорда жаҳон адабиётининг энг сара намуналаридан қилган таржималари бор – Достоевский, Мопассан, Хемингуэй, Фолкнер, Айтматов... Эҳ-ҳэ! Биргина Жеймс Жойснинг “Улисс” романини ўгиришнинг ўзиёқ ҳар бир моҳир таржимон ижодий фаолиятига олий мақом бахш этади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзамнинг нашр этилган китоблари сони – **40 дан** ортиқ. Биргина охирги **3 йилнинг** ўзида – 2021-2024 йиллар оралиғида адибнинг **12 та** китоби нашрдан чиққан. Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг китоблари сони ҳам **40 дан** ошиқ.

Бир ўзи бир институтнинг ишини бажараётган ижодкорларимиз, олимларимиз бор. Масалан, устоз шоир ва олим Мирзо Кенжабек сўнгги йилларда фаол меҳнат қилиб, **20 дан** зиёд китоблар ёзган, таржима қилган ва нашрга тайёрлаган.

Яна бир заҳматкаш тадқиқотчи Абдусаттор Жуманазар томонидан тайёрланган китобларга разм солинг: “Хилват аҳли”, “Ўргимчак китоби”, “Насаф”, “Вахшувор”, “Машраб”, “Бухоро таълим тизими тарихи”, “Яккабоғ”, “Туғли ҳикоялар буржи”, “Самарқанд таълим тизими ва мадрасалари тарихи”, “Қоратош”, “Булунғур” ва бошқа сўнгги йилларда чоп қилинган **10 дан** зиёд тўпламлар. Орада “Амир Абдуаҳадхон. Фетербурғ сафари” таржима асари нашр этилган, республика матбуоти ва илмий тўпламларда **200 дан** ортиқ мақоласи эълон қилинган. Булардан ташқари, тиниб-тинчимас олим “Қиссайи Шоҳ Машраб”, “Қалқон қўшиғи”, “Моваройуннаҳр илмий марказлари”, “Армия билан ҳамқадам, ҳамфикр, ҳамнафас” каби тўпламларда ҳамкорлик қилган. Ҳозирги пайтда “Хоразм таълим тизими ва мадрасалари тарихи” асари устида иш олиб бормоқда.

Замонамизнинг забардаст адиби Исажон Султоннинг охирги **3** йилда “Алишер Навоий”, “Маъсума”, “Билга Хоқон”, “Абу Райҳон Беруний” сингари **5 та** романи ўқувчилар қўлига тегди. Шунингдек, **5 та** йирик асари хорижда нашр этилди, адабий мукофотларга лойиқ топилди. Айни пайтда, яна **2 та** янги романи нашр арафасида.

Мен бу рўйхатга ҳали истеъдодли шоирларимизнинг ўнлаб шеърий тўпламларини киритганим йўқ. Буларнинг ҳаммаси яхши, мириқиб ўқиладиган китоблар.

ЎЗИМ МИСОЛИМДА АЙТАДИГАН БЎЛСАМ...

Айни пайтда ўқиш ниятида ажратилган ўнлаб эски ва янги китоблар менинг вақтимни кутиб турибди. Агар уларнинг мухтасар рўйхатини зикр этадиган бўлсам ҳам, кўпгина оқ варақларни қоралашга тўғри келади.

Бир пайтлар ҳазрат Алишер Навоийнинг **10 томлик** тўла асарлар тўпламини тугал ўқиб, ундан компьютерда **500** бетга яқин кўчирмалар олган эдим. Уларга доим кўз ташлаб турганим боис, мутафаккир шоиримизнинг ўлмас мисралари хаёлимда айланиб юради. Яқинда тўла асарлар тўпламининг электрон нусхасини топдим, яна мутолаага шўнғидим. “Насойимул муҳаббат”ни учинчи қайта ўқидим, турли нашрларда... Фикримча, бу дунёга биргина Алишер Навоий асарларини ўқиш учун ҳам келиб-кетсанг арзийди.

Мавзу доирасида бир таклиф**:** Алишер Навоийнинг **10 томлик** тўла асарлар тўплами ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти томонидан нашрга тайёрланиб, 2011 йили Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган. Яқин одамингизга ҳадя сифатида берсангиз арзийдиган муҳташам тўплам. Лекин ўқиш учун тўғри маънода оғирлик қилади – столгами, хонтахтагами қўйиб ўқиш керак. Кўтариб юриш ҳам ноқулай. 1983 йилда “Фан” нашриёти шоир асарларини **20 том** остида жамлаган, уни бугунги кунда топиш қийин.

Буюк мутафаккир асарларининг қўлёзмалари ва нашрлари тақдири ҳамма замонларда ҳам шундай – қиммат ва серҳашам бўлган, шекилли.

Алишер Навоий ижодини халққа яқинлаштиришни хоҳлар эканмиз, аввало, шоир асарларини ўқиш ва кўтариб юриш учун қулай, ихчам шаклда нашр этиш зарур, деб ўйлайман. Бу, майли, 50 жилд бўлсин, лекин ўзингиз билан доим олиб юришга қулай – шаклиям, нархиям чўнтакбоп бўлсин.

ХАЙРЛИ ИШ

Яқинда “Осмон ерга яқин” номли китоб қўлимга тегди – “Микрокредитбанк” АТБ жамоаси ва “Ижод НАШР” нашриёти ҳамкорликда йўлга қўйган **“Чиғаноқ”** лойиҳаси доирасида чоп этилибди. Банк ва нашриёт жамоалари юртимизда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган эзгу ишларга ҳисса қўшиш ниятида мазкур лойиҳага қўл урибди. Ғоят хайрли иш.

ЭНГ ЯХШИ ИБРАТ – ОИЛАДА

“Нимагаки эришган бўлсам китобдан миннатдорман, қайсидир хато ишдан қайтган бўлсам ҳам, – дейди ижодкор ва журналист Азиз Норқулов. – Эсимни таниганимдан буён уйимизда адабиёт, турли бадиий асарлар, она тилимиз жозибаси, шеваларнинг ҳақида гаплашганмиз. Отам ўқитувчи бўлиб ишлагани, ўзи ҳам ижод билан шуғулланган учун уйимизда катта кутубхона доим бўлган. Шу боис, энг яхши ибрат – оилада, деб биламан. Бугун мендан улгу олиб, фарзандларимда ҳам китобга қизиқиш баландлигини кўриб, хурсанд бўламан.

Ҳозирги ёшларга, уларнинг имкониятларига ва бундан унумли фойдаланаётганларига ҳавас қиламан. Ёшлар китоб ўқимай қўйди, мутолаадан узоқлашиб кетди, маънавиятни ошириш керак, каби гаплар кўп қулоққа чалинади. Ростини айтиш керак, кўнгилни кўтарадиган, умидни оширадиган ҳолатлар ҳам етарлича.

Миллий кутубхонамизга кўп бораман**.** Эрта тонгдан ёшлар китобларга муҳр босдириш учун навбатда турганини кўраман**.** Мен ҳам улар сафига қўшиламан. Ичкаридаги ўқув зали доим тўла бўлади, китобхон ёшлар сиғмай қолади. Биринчи кирганимда жой топилмаганидан хурсанд бўлиб кетганман. Китоб ўқимай қўйган ёшлардан нолийдиганларни шу даргоҳга олиб келиб, кўрсатгим келган.”

ДОНОЛАР НИМА ДЕЙДИ?

“Миллатни босма сўз яратиши” (Б.Андерсон), **“Тараққиётнинг умумий қўламида ҳар бир халқнинг ўрни ўша халқ ўқиётган китобларнинг сони билан белгиланиши”** (Э.Лабуле) ҳақидаги фикрларни ўқигансиз.

Машҳур адиб Хорхе Луис Борхеснинг ҳам китоб ҳақида эътиборли фикри бор: **“Инсон қўлидаги турли-туман қурол-яроғ, асбоб-ускуналар орасида энг ғаройиби, шубҳасиз, китоб саналади. Қолганларини унинг жисмоний давоми дейиш мумкин. Микроскоп ва телескоп – кўзнинг давоми, телефон – овознинг, омоч ва қилич – қўлнинг. Бироқ китоб – бутунлай бошқа нарса, китоблар – хотиралар ва тасаввурларнинг давомидир. Китоб одамзотнинг хотираси хазинасидир”**.

“Китобни жонсиз буюм деб ҳисобламаслик зарур, зеро, китоб уни яратган даҳонинг салоҳиятига тенг равишда ҳаётий куч-қудратга эга”, деб ёзади инглиз шоири Жон Мильтон. Бу сўзлар мавлоно Жалолиддин Румийнинг **“Сўз инсоннинг қиймати қадар қадрлидир”** деган лутфини эслатади. Яна бир адиб Александр Генис бу фикрларни бошқачароқ ифода этади: **“Биз ёзувчи асарини унинг ўзидан кўра муҳимроқ деб ҳисоблаймиз, чунки у умрининг энг яхши дақиқаларини асарига бағишлаган”**.

Япон ёзувчиси ва мутафаккири Дайсаку Икэда эса нафақат ёзувчига, айни пайтда китобхонга ҳам жиддий ва тўғри талаб қўяди: **“Яхши ўқувчи бўлиш ҳам яхши ёзувчи бўлишдай гап – бу ҳар бир шахс кўтарилиши лозим бўлган маънавий мақом”**.

“Гаранг одам биров гапириб берганига қараб мусиқанинг сеҳрли кучини англамаганидек, мен ҳам бутун умр давомида биронта китоб ўқимаган инсоннинг фикрлаш тарзини англай олмадим” – бу австриялик файласуф ёзувчи Стефан Цвейгнинг фикри. Ҳаққоний фикр.

Ҳазрати Бобур ўз вақтида Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад Мирзога таъриф бериб: **“Ҳеч нарса ўқимаган, оми киши эрди, шул сабабдин бор ихтиёри бекларининг илгида** *(қўлида)* **эди**”, деган ниҳоятда чуқур маъноли, ҳаётий хулосани баён этган.

Қаранг, улуғ аждодимизнинг фикрида бизнинг замонамиз учун ҳам қандай ибратли жиҳатлар бор. Афсуски, китоб ўқимаслиги билан мақтанадиган амалдорлар, пул топиб, ақлу фаросат топмаган “тадбиркор”лар орамизда йўқ эмас. Китоб ўқимаслик – ақлнинг яланғочлигидан далолат, китоб ўқимаслиги билан мақтанган одам эса худди кўчада яланғоч юргани билан мақтанган кимсадек бўлади. Дарвоқе, буюк маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий ўзининг машҳур “Падаркуш” драмасига “Ўқимаган боланинг ҳоли” дея бежиз тагсарлавҳа қўймаган!

ҚИССАДАН ҲИССА

Яхшини яхши десанг, яхшилиги ортади, ёмонни ёмон десанг, ёмонликка тортади. Чиндан ҳам, Ғарб ёзувчиларидан бири айтганидек, кишига чўчқасан деб айтаверсанг, охир-оқибат у ҳуриллаб юборади.

Ҳеч ким ўқимаяпти, деб ўқиётган одамнинг ҳам ҳафсаласини пир қилмайлик, аксинча, ўқимаётганларни ҳам ўқишга қизиқтирайлик. “Йўқ-йўқ” деявериб, борини ҳам йўқ қилиб қўймайлик. Ўқиётган инсонларни тарғиб этайлик.

Ҳаммамиз биламиз, аксарият одамлар табиатан эргашувчи бўлади. Буни ижтимоий тармоқлардаги бир ҳолатдан ҳам кузатиш мумкин. Одатда, қайсидир фикр ёки лавҳага биринчи бўлиб изоҳ қолдирган киши ўзидан кейинги деярли барча изоҳларга ўзан очиб беради. Битта-иккита қарши муносабатлар умумий оқимда кўринмай кетади. Демак, кимдир ҳеч ким ўқимаяпти, деса, бошқалар ҳам ўқимай қўйиши, аксинча, ҳамма ўқияпти, дейилса, одамлар ўқишга меҳр ва ихлос қўйиши мумкин. Айни мутолаа асносида инсонда эргашувчанлик одати йўқолиб, мустақил фикрлаш туйғуси шаклланади.

Қиссадан ҳисса шуки, Ўзбекистон – китобхон мамлакат, мамлакатимизда китоб фонди ҳам, китобхонлар сони ҳам етарлича. Ва даъватимиз шундайки: бугун кўпчилик китоб ўқияпти, сиз ҳам албатта ўқинг!

Икром БЎРИБОЕВ

ТЎРА СУЛАЙМОН ТАВАЛЛУДИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИ

САЙХУН БЎЙИДАГИ МУАЗЗАМ МАСКАН

Айни кунларда Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон таваллудининг 90 йиллиги мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда. Куни кеча Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги Тўра Сулаймон яшаган хонадонда ташкил этилган шоирнинг уй-музейи ва ҳайкали очилишига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.



Пойтахтдан ташриф буюрган бир гуруҳ таниқли ижодкорлар ҳамда юртимизнинг турли ҳудудларидан келган меҳмонлар, шоирнинг яқинлари ва адабиёт ихлосмандлари иштирок этган ушбу маросим том маънода адабиёт ва маърифат айёмига айланди.

Тадбирда сўзга чиққан Сирдарё вилояти ҳокими Акмалжон Маҳмудалиев йиғилганларни қутлуғ айём билан табриклаб, ўзининг сермазмун асарлари билан миллий адабиётимизда ўчмас из қолдирган истеъдодли шоирнинг ижодий мероси бугунги кунда ҳам ёшларимизни юксак қадриятлар руҳида тарбиялашга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

– Ҳурматли Президентимиз ташаббуси билан Сирдарё вилоятида Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймоннинг уй-музейи ва муаззам ҳайкали барпо этилгани мамлакатимиз адабий-маърифий ҳаётида катта воқеа ҳисобланади, – деди Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид. – Чунки барчамиз адабиётимиз, маънавиятимиз равнақига катта ҳисса қўшган шоир Тўра Сулаймон билан қанча фахрлансак арзийди. Атоқли шоирнинг гўзал ва сермазмун асарларида илгари сурилган эзгу ғоялар китобхонларнинг маънавий оламини бойитишга хизмат қилади. Сирдарёлик сўз заргарининг шеър ва достонларини ўқиганда руҳимизда, шууримизда ажиб ўзгаришлар рўй бераётганини ҳис этамиз. Бир сўз билан айтганда, ушбу музей юртимиз ижодкорлари ҳамда адабиёт мухлисларининг энг севимли масканларидан бирига айланиши шубҳасиз.

Тадбирда сўзига чиққан Тўра Сулаймоннинг қизи Юлдуз Менглиева шоирнинг ижодий меросини халқимиз орасида кенг тарғиб қилиш ва унинг хотирасини абадийлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар учун унинг оила аъзолари номидан давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирди.

Кўтаринки байрамона руҳда кечган тадбирда шоир ҳайкали пойига гуллар қўйилиб, адабиёт мухлислари уй-музей фаолияти билан яқиндан таништирилди.

Шу куни Гулистон шаҳридаги Сирдарё вилояти мусиқали драма театрида Тўра Сулаймон таваллудининг 90 йиллигига бағишланган “Қуёшга интилган шоир” деб номланган адабий-маърифий хотира кечаси ҳам юқори савияда ўтказилди. Мазкур тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли адабиётшунос Иброҳим Ғафуров ва профессор Қозоқбой Йўлдошев халқчил шоир ижодининг ўзига хос қирралари ҳақида тўхталиб ўтишди. Шунингдек, Тўра Сулаймон ҳаёти ва ижодига бағишланган мусиқий композиция, таниқли хонандалар томонидан унинг шеърлари асосида ижро этилган қўшиқлар ҳамда Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби ўқувчиларининг бадиий чиқишлари кечага ўзгача файз берди.

Ҳусниддин ҲАЙИТОВ,
Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби ўқитувчиси

ЖАРАЁН

АДАБИЁТ, ДЎСТЛИК, ҚАРДОШЛИК ТАРАННУМИ

Пойтахтимизда Туркий тилли давлатлар ижодкорлари иштирокидаги XVI Туркий шеърият фестивали адабиёт, дўстлик, ҳамжиҳатлик ҳафталиги сифатида баланд руҳда ўтказилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда ТУРКСОЙ, ТИКА каби халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуманда бир қатор туркий тилли давлатлардан шоирлар иштирок этди.

Мамлакатимизда адабиёт аҳли ТУРКСОЙ ташкилоти билан биргаликда кўплаб янги асарлар тақдимотлари, шеърият ва адабиёт байрамлари, китоб кўргазмалари, адабий мулоқотлар, халқаро анжуманлар муваффақиятли ўтказиб келинмоқда. Айни пайтда бир қатор ўзбек ижодкорларининг асарлари турк ва бошқа қардош тилларга фаол таржима қилинмоқда. Бундай мулоқотлар адабий жараён ривожида янги уфқларни очишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Қардош тилларда ижод қилаётган шоирлар мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан “Туркий адабиёт дурдоналари” 100 жилдлик мажмуасининг нашр этилишини адабиётга бўлган юксак эътибор сифатида алоҳида эътироф этдилар.

Анжуман давомида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Туркия Ёзарлар Бирлиги ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Ушбу ҳужжат ўзбек ва турк замонавий, мумтоз адабиёти намуналарини икки давлат китобхонларига янада фаолроқ етказиш, бадиий баркамол асарларни таржима қилиш, ижод аҳлининг ўзаро мулоқоти учун кенгроқ имкониятлар яратишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Шеърият фестивали иштирокчилари пойтахтимиздаги Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби, бир қатор музейлар, маърифат масканлари, тарихий қадамжоларга саёҳат қилди.

Назокат УСМОНОВА

“Бу байрамлар давом этажак”



Муса КАЗИМ АРИЖАН,
Туркия Ёзарлар Бирлиги раиси,
Анқара университети ректори,
профессор:

– Миллатлараро дўстлик алоқаларини ривожлантиришда адабиёт ва санъат муҳим аҳамият касб этади. Тошкент, Самарқанд ва Бухоро улуғ мутафаккирларни етиштириб берган улкан маънавият тарихига эга шаҳарлардир. Шу нуқтаи назардан ушбу тадбирнинг Ўзбекистон пойтахти Тошкентда ўтказилгани адабий майдонда жуда катта воқеа бўлди.

Ўзбек адабиёти ўз даврида оламшумул аҳамиятга эга буюк ижодий мерос яратган Алишер Навоий каби улуғ алломаларга эга муҳташам адабиётдир. Шу боис бу юртга сафарга чиққанимиздаёқ туркиялик ижодкорларнинг юзида чуқур ҳаяжонни кўрдим.

Анжуманда Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистондан келган шоирлар ва ўзбекистонлик ижодкорлар ўзларининг гўзал шеърларини ўқир экан, биз адабиётнинг келажаги порлоқ эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Бу адабий алоқаларимизни янада мустаҳкамлашни режаладик. Шунингдек, навбатдаги шеърият байрамларида иштирокчилар таркибини кенгайтириб бориш ҳақида фикрлашдик. Янги лойиҳаларни юзага чиқариш ҳақида келшиб олдик.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган “Алишер Навоий ва XXI аср шеърияти” деб номланган мушоира кечаси, “Шеърият келажаги ва сунъий интеллект” мавзусида давра суҳбати, “Турон” кутубхонасида ўтказилган турк адабиёти намояндаси Меҳмет Дўғон, атоқли қирғиз шоири Алиқул Осмонов ҳамда улуғ қозоқ оқини Абай хотирасига бағишланган адабий кечалар қалбларимизни тўлқинлантирди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкент шаҳрида бунёд этилган муҳташам Адиблар хиёбони барчамизда жуда катта таассурот қолдирди. У ерда биз Ўзбекистоннинг ардоқли шоирлари билан яқиндан танишдик. Келгусида ушбу хиёбонда ҳайкаллари ўрнатилган мангуликка дахлдор адибларнинг ҳам хотира кечаларини ўтказишга қарор қилдик.



Алтинбек ИСМАИЛОВ,
қирғиз шоири:

Мен юртингизга тез-тез келиб тураман. Тўғриси, Ўзбекистон ўз уйимдай бўлиб қолган. Бу жаннатмонанд ўлканинг кўп шоирлари билан ҳамкорлигим бор. Уларнинг уйларида қўноқ бўлганман, юртимга борганларини эса меҳмон қилганман.

Шеърият байрамлари баҳона яна дўстларим билан дийдорлашдик. Тошкент учрашуви ўзгача бир шукуҳ билан ўтди. Адиблар боғини кўриб, рости, сизларга ҳавас қилдим. Бу галги халқаро шеърият байрамида ҳам ҳар қардош халқ шоири ўз тилида шеър ўқиди. Қардошлик якдиллиги сабаб бизга таржимон керак бўлмади. Улар бир-бирларининг қалб кечинмаларини бемалол англадилар.

Бундай тадбирларни давлатлараро кенг миқёсда ўтказиш осон эмас. Шу маънода, биз ушбу тадбирни юксак даражада уюштирган ТУРКСОЙ халқаро ташкилоти ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига ташаккур изҳор қиламиз.

Биз тўрт кун давомида ўзбек ёзувчиларининг “Дўрмон” ижод уйида яшадик. У ерда ҳам боғ кезиб диллашдик, шеърлашдик. Улуғ ижодкорларнинг изи қолган бу табаррук масканда ҳар бир шоирнинг юраги шеър деб урди.

Келгуси йилда ушбу байрамни Қирғизистонда ўтказиш режалаштирилган. Насиб этса, биз ҳам байрамни юқори савияда ўтказиш учун жиддий тайёргарлик кўрамиз.

ЯНГИ ЗАМОН ЁШЛАРИ

“БИЗ ҲАМ ДУНЁГА ЧИҚАЙЛИК”



– Мен, Зуфарбек Абдураҳмонов, ёшим йигирма олтида, етти йилдан буён дастурлаш билан шуғулланаман. Тошкент ахборот технологиялари университетининг касбий таълим факультетида ўқидим. Ҳозир бир нечта дастурий лойиҳалар устида жамоа бўлиб ишлаяпмиз.

ЎЗБЕК ТИЛИ РИВОЖИ УЧУН

Соҳада илк ўқув маркази очган ёшлардан бириман, десам бўлади. Ахборот технологиялари соҳасига қизиққан ёшлардан яхши мутахассис тайёрлаш ўз йўлига, лекин уларнинг келажакда ишга жойлашишини ҳам ўйлаш керак. Хусусий IT компаниям ҳам бор. Турли дастурлар тайёрлаймиз. Масалан, вебсайт, телеграм бот, мобил иловалар ва ҳоказо. Ишимиз жараённи автоматлаштириб, дастурий вазифага айлантиришдан иборат. Шунингдек, стартап лойиҳалар устида ҳам ишлаймиз. Яъни, маълум бир муаммога дастурий ечим топамиз. Стартап лойиҳалар дастурчидан иложи борича муаммога тезроқ ечим топишни талаб қилади. Масалан, энг оммабоп ишларимиздан бири Soff.uz лойиҳаси бўлиб, унинг асосий вазифаси ўзбек тилидаги контентни ривожлантиришдир.

Масалан, сизга бирор маълумот керак бўлса-ю, Google, Yahoo, Yandex дастурларидан унинг ўзбекчасини излаб тополмасангиз, шу дастуримиз ёрдам бериши мумкин. Чунки бугун тармоқларда ўзбекча маълумот жуда кам. Сиз излаётганингиз ҳақида тўлароқ билиш учун уни рус ё инглиз тилида излайсиз. Афсуски, ўзбек тилида баъзи нарсалар ҳақида батафсил маълумот тополмайсиз. Мазкур дастур шу масалада ёрдам қилади. Яъни, бизнинг дастур кўмагида излаган маълумотни ўзбекча топишингиз осон.

Ҳозир иккита ўқув марказимиз бор. Ҳар олти-етти ойда юстача ўқувчимиз яхши мутахассис бўлиб чиқади. Уларнинг 60-65 фоизи ўзига муносиб иш топади. Чет эл компанияларида ишлаётганлари ҳам бор.

ЁШ ДАСТУРЧИЛАРГА МАСЛАҲАТЛАР

Дастурчи бўламан, деган киши инглиз тили ва математикадан яхши хабардор бўлса, соҳани ўзлаштириши енгилроқ кечади. Дастурлаш айнан бирор фанни мукаммал билишни талаб қилмайдиган соҳа, аслида. Аммо тез фикрлайдиган, эътиборли, чет тилини биладиган киши бу соҳани тезроқ ва мукаммалроқ ўрганади. Ёш дастурчи мантиқий фикрласа, масалага тезроқ ечим бера олади.

Тажрибадан маълумки, компьютерда ўйин ўйнаб, ҳар хил иш қилиб юрган инсонлар IT соҳасини тез ўрганиб олишади. Бугун баъзи ота-оналар фарзанди компьютер қаршисида кўп ўтириб қолса ранжишади, лекин бунинг фойдали томонлари ҳам бор. Яъни, бундай болаларнинг дастурчи бўлиш эҳтимоли юқори. Компьютер ўйнаб улғайган боланинг фикрлаш, тезкор қарор қабул қилиш қобилияти кучли бўлади. Албатта, фарзандингиз компьютерда ўйин ўйнаса, қаршилик қилманг, демоқчи эмасман. Фақат унинг бу ишини назоратга олиб, яхши мақсадларда фойдаланиши ва ривожланиши учун шароит ҳозирланг.

Ҳозир бирор компанияга дастурчи керак бўлса, диплом эмас, тажриба ва натижа сўралади. Ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтсам, бир нечта IT компания билан ишладим, улар мен билан суҳбатлашиб, яратган дастурларимни кузатиб, кейин ишга олишган. Бу билан диплом керак эмас, демоқчи эмасман. Соҳа мутахассиси бўлишда университетларнинг ҳам ўрни катта. Ўқиш давомида кимлигингизни кўрсатиш, муҳитга кириш, унга мослашиш, ўқитувчилар билан тажриба алмашиш, таниш-билиш орттириш ўзини танитиш учун керак, деб ўйлайман.

ЯХШИ МУТАХАССИС КЎЧАДА ҚОЛМАЙДИ

Сунъий интеллект пайдо бўлгач, омма орасида энди дастурчиларга иш қолмайди, бу касб инқирозга учраши мумкин, деган ваҳима кўтарилди. Мен ўқувчиларимнинг бундай гапларига хотиржамлик билан жавоб бераман. Яхши мутахассиснинг ўрнини ҳеч ким олиб қўя олмайди. Тўғри, сунъий интеллект қайсидир маънода бўш иш ўринларини камайтириши мумкин. Лекин у ҳеч қачон дастурчининг ўрнини босолмайди, аксинча, унга ёрдамчи бўлади. Ундан фойдаланиб, бир ойда тайёрлайдиган дастурни бир кунда яратиш мумкин. У нафақат дастурчиликни, балки ҳамма соҳани эгалламоқда.

Бугун сунъий интеллект ёрдамида чизилган суратларни, мусиқий композицияларни, ёзилаётган шеърларни кўришингиз мумкин. У билан рақобат қилиш эмас, аксинча, уни ўз ишингизга шерик қилиш керак, холос. Яна такрорлайман, сунъий интеллект ишимизни олиб қўймайди, балки енгиллаштиради. Фақат ундан тўғри фойдаланишни, у билан бирга ишлашни йўлга қўя билиш керак.

ОҚ ВА ҚОРА...

Хакер сўзи, аслида, информацион технологиялар бўйича фавқулодда малакага эга мутахассис, компьютер тизимини ўта чуқур биладиган шахсга нисбатан ишлатилган. Ҳозир эса хакер сўзи крекер, яъни бузғунчи маъносида нотўғри ишлатиляпти. Бугунги кунда айрим хакерлар ўз сиёсий симпатия ва антипатияларига кўра ҳаракат қилиб, компьютер дастурларига атайлаб зиён етказишади. Аслида, бу жиноятчиликнинг бир кўриниши.

Жамиятимизда бугунги кунда яхши (white) ва ёмон (black) хакер бор. Бир неча йил аввал аллақайси банк хакер ҳужумига учраб, катта сумма йўқотганини эшитган эдим. Мана шу ўғрилик ортида ёмон хакер турибди. Яхши хакер эса ўша black хакер қилиши мумкин бўлган ҳужумларнинг олдини олади. Ёмон хакер ҳужум қилиши мумкин бўлган йўлларни ёпади, хавфсизликни таминлайди. Ҳозирги кунда юртимизда бундай хакерларга иш ўринлари кўпаймоқда, асосан, банк соҳасида. Талаб кўпайгани сари соҳада ўқишга ва ишлашга қизиқувчилар сони ҳам ортмоқда. Бугун бу касбнинг номи хакер эмас, хавфсизлик мутахассислари дейилади.

Ҳеч қандай дастурнинг хавфсизлигини юз фоиз таъминлаб бўлмайди. Демак, омма эътиборига ҳавола қилинган ҳар қандай дастурнинг заиф жойи бўлади. Хакерлардан ҳимоялаш учун гигант компания асосчилари йилда бир маротаба катта мусобақа ўтказади. Яъни, “ким мана шу дастурни бузиб кира олса, унга фалон сўм мукофот бераман”, дейди. Бундан мақсад – ўша гигант дастурларнинг заиф нуқталари, камчилигини топиш. Хакерлардан ҳимояланиш ҳар доим ҳам зарур. Шу вақтга қадар биз яратган дастурлар хакер ҳужумига учрамади, биз имкон қадар хавфсизликни таъминлашга ҳаракат қиламиз.

ФРИЛАНСЕРНИНГ ОШИҒИ ОЛЧИ

Бугун дастурчи ишлаши мумкин бўлган йўналиш кўп. Улар фақат IT компаниялардагина эмас, балки шу ерда туриб хориж компанияларидан буюртма олиши ҳам мумкин. Дунё миқёсида турли платформалар мавжуд бўлиб, улар орқали буюртмачиларни излашингиз ва ўзингиз ҳақингизда маълумот жойлашингиз мумкин. Freelance – ўз шахсий имкониятларидан келиб чиқиб, масофавий ишлаш имконияти мавжуд платформа. Шундай платформаларда ишловчилар эса фрилансер деб юритилади. Агар сиз бирон соҳани чуқур билсангиз ва шахсий компьютерингиз бўлса, интернет тармоғингиз яхши ишласа, бу платформа сизга уйда ўтириб пул ишлаш имкониятини яратиб берувчи электрон бозор вазифасини ўтайди. Бозор бўлганда ҳам, инсон ақлий меҳнати салоҳиятини сотадиган бозор. Бу платформаларда дастурчи ўзини танитади.

Демоқчиманки, дастурчиларга мижозлар фақатгина Ўзбекистонда эмас, дунё миқёсида ҳам топилади. Шунчаки, сиз етук мутахассис бўлишингиз лозим. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, хорижлик буюртмачилар ўзбек дастурчиларини ниҳоятда ҳурмат қилишади. Сабаби, биз ишимизни аъло даражада бажариш билан бирга, бошқа давлатлардагидек катта нарх қўймаймиз. Инсоф сари барака, дейишади-ку. Шунинг учун бўлса керак, хорижликлар кўпинча бизни ўзлари излаб топишади.

ОҚҚАН ДАРЁ ОҚАДИ

Келажакда ҳар қандай соҳани дастурлар ва роботлар эгаллайди. Ривожланган давлатларда бу соҳа етарлича ривожланганини кўриш мумкин. Ўзбекистоннинг ҳам ривожланган давлатлар қаторига кириши IT билан боғлиқ, бунинг учун етук кадрлар сонини кўпайтиришимиз лозим.

Бу соҳа орқали ишсизликни сезиларли даражада камайтириш, мамлакатимиз иқтисодини янада юксалтириш мумкин. Асосийси, четга бориб, қора иш қилишга эҳтиёж қолмайди. Мамлакатимизнинг кўплаб рейтинглардаги ўрни кўтарилади. Чунки дунёда ахборот технологиялари соҳасидаги мутахассисларга талаб жудаям катта. Бу талаб ошса ошадики, асло камаймайди. Сиз-у биз, бутун дунё ҳозирда фойдаланаётган смартфонларнинг пайдо бўлиши-ю ривожланишида буюк ватандошимиз Муҳаммад Хоразмийнинг хизмати катта. Буни тўлақонли англашимиз, ҳис қилишимиз, ёшларга тўғри йўналиш кўрсатиб, рағбат беришимиз лозим. Қонимизда бор экан, биздан ҳам зўр дастурчилар, стартапчилар, фрилансерлар, робототехниклар чиқиши аниқ. Юртимиз келажаги, ривожи биз ёшларнинг қўлимизда!

Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА
ёзиб олди

БЎРОНЛАРГА БЎЙИН ЭГМАГАН АЁЛ



Опа-сингил Маҳбуба ва Матлуба Муҳаммедовалар

Бошланиши 1-саҳифада.

Шунингдек, Германияда таълим олган 70 нафар ўзбек йигит-қизларининг юртга қайтганлари ҳам мустабид тузум қурбони бўлди. Улар миллатнинг илмли, ҳур фикрли, инсоний қадр-қимматга эга бўлиши тарафдори эди, холос. Шум тақдир бу орзуни армонга айлантириб, орзумандларни ажал томон етаклади.

Уларнинг оила аъзолари эса яқинларининг на тириги, на ўлигидан хабардор, таънадашномлар, қийинчиликлар гирдобида яшади. 1930-1950 йилларда “халқ душмани”дан яқинларининг юз ўгириши ва буни матбуотда баралла эълон қилиши “урфга кирган” эди. Давр шуни талаб қилар, ким “ватан хоини”дан воз кечмаса ё қамалар, ё ишдан четлатилар эди. Фуқаролик ҳуқуқлари бекор қилиниб, ҳаёти янада қийинлашарди.

Аянчли тақдир эгаси бўлган қаҳрамонимиз эса, бошига қандай кунлар келишидан қатъи назар, турмуш ўртоғига бўлган садоқатига гард юқтирмай, уларга муносиб фарзанд тарбиялаш умидида ҳаракат қилган.

Маҳбуба Муҳаммедова 1908 йили Фарғонада дунёга келган. Дастлаб отаси, машҳур жадид муаллимларидан бири Нурмуҳаммад Дадамуҳаммедов очган мактабда, кейин Тошкент хотин-қизлар билим юртида таълим олади. Отаси фарзандларининг илмли бўлишига жиддий эътибор қаратган. Шунинг учун ҳам 17 ёшли Маҳбубахон 1925 йилда Москвага бориб, маориф институтига ўқишга кирган. 1930 йилда институтни тамомлаб, Тошкентга қайтади.

Шу орада Германияда таҳсил олган таниқли кимёгар олим Саттор Жаббор билан Маҳбубахон бир-бирига кўнгил қўяди. Икки қалб, икки орзу бир йўлда бирлашади. Улар 1931 йилда фақатгина бахт учун эмас, балки буюк мақсадларни биргаликда рўёбга чиқариш мақсадида оила қуришади. Бирин-кетин Дилбар, Ўрхон ва Ўзхон исмли фарзандлар туғилади. Бу орада турмуш ўртоғининг таклифи билан Маҳбубахон техника институтига ишга кириб, илмий изланиш билан машғул бўлади.

Кунлар бир маромда ўтарди. Эр-хотин илмий изланишлар билан банд эди. Улар олган билимларини ҳаётга татбиқ этиш, дорилфунунда талабаларга илм бериш йўлида ҳаракат қилаётган эди. Аммо мамлакат осмонини қоплаган қатағоннинг қора булутлари ушбу оила бошига ҳам соя солди.

1937 йил 8 январь куни Тошкент медицина институти доценти Саттор Жаббор қамоққа олинди. Унинг айбдор эканлигини тасдиқловчи бирор далил-ашё бўлмаса ҳам ҳибсда сақланиб, тергов жараёни мунтазам давом этган. У “Туркистон” аксилинқилобий-миллатчилик ташкилоти раҳбарлари билан алоқада бўлганликда”, хориждан ўқишдан қайтгач, “советларга қарши бўлган чет эл фуқаролари билан мулоқотда бўлганлик” ва Тошкентдаги педагогик фаолияти давомида “ўқитувчи ҳамда талабалар ўртасида аксилинқилобий миллатчилик руҳидаги гапларни айтган”ликда айбланди.

1938 йил 9 октябрь куни Саттор Жаббор Германияда таҳсил олган Тўлаган Мўмин, Султон Матқул, Хайринисо Мажидова, Гулсум Раҳимова ва Руқия Хўжаева билан бирга олий жазо – отувга ҳукм қилиниб, қарор ўша куни ижро этилади.

Замон урфи-таомилига кўра, унинг турмуш ўртоғи Маҳбуба Муҳаммедова ҳам, албатта, дарров қамоққа олинган эди. У айби нимада эканлигини билмаган ҳолда 1938-1939 йилларни ҳибсда ўтказади. “Халқ душмани” тамғаси босилган оиланинг бегуноҳ фарзандлари эса болалар уйига топшириб юборилади. Маҳбубахон қамоқдан озод бўлган заҳоти дилбандлари томон елдек учади, эндигина 31 ёшга тўлган олима аёл уларни якка ўзи тарбиялай бошлайди.

“Халқ душмани”нинг аёли дея қораланганларнинг ҳаёти бир умрлик кураш ва чексиз азобга айлангани бугун ҳеч кимга сир эмас.

Маҳбуба Муҳаммедованинг бошига ҳам кўп оғир савдолар тушди. Тошкент тўқимачилик институтининг сўнги курсида ўқиётганида яшаб турган уйидан, тугаш арафасидаги таҳсил охирига етмай, таълим даргоҳидан ҳам ҳайдалади. Ота уйидан паноҳ топган Маҳбуба кейинчалик марказқўм аъзоси Ивановнинг аралашуви билан ўқишни қайта тиклайди. Институтни битириб, Тошкент тўқимачилик комбинатида ишлайди. Фарзандлари, қайнонаси, оиласи учун кунни кун, тунни тун демай енг шимариб меҳнат қилади. Уруш йилларида директор ўринбосари лавозимгача кўтарилади. Лекин барибир у “ишончли одамлар” қаторига киритилмайди.

1953 йили Сталин вафот этди. Қатағон сиёсати “шахсга сиғиниш даври” оқибати дея қораланди ва ноҳақ қамалиб, отувга ҳукм қилинганларнинг номи бирин-кетин оқланди. Бу янгилик Маҳбуба Муҳаммедова ва унинг қайнонаси Камола ая Мавлонхўжаева оиласига ҳам хурсандчилик олиб келди. Улар 1956 йили Ўзбекистон марказқўмининг биринчи котиби Н.А.Муҳиддиновга Саттор Жаббор номини оқлаш ҳақида ариза ёзди. 1922 йили Ф.Хўжаев ва Т.Рисқуловнинг Саттор Жабборни Германияга ўқишга юборгани, унинг советларга қарши унсур бўлмасдан, яхши ўқиб, ишлагани ҳақида маълумот тўпланди. Ниҳоят, 1959 йил 13 апрелда унинг номи оқланди.

Оиланинг барча йўқотишлари, қийинчиликлари ва хўрланишларига оқлов хати чек қўйди. Лекин инсон яшар экан, азоб-уқубатларга сабр қилиб, умр кечиради. Саттор Жабборнинг оқланганлик хабари Камола ая хонадонига бахт, хурсандчилик олиб келди. Турмуш ўртоғига сўнгги нафасигача садоқатда бўлган Маҳбуба Муҳаммедова ҳаёт қийинчиликлари туфайли касалликка чалиниб, 1978 йилнинг 28 сентябрида вафот этади.

Жадидшунос олим Шерали Турдиевнинг изланишлари сабаб, бу оиланинг кейинги тақдиридан хабардор бўлишимиз мумкин. Ўзхон Жаббор Тошкент архитектура-қурилиш институтининг профессори, Ўрхон Жаббор эса Ўзбекистон Фанлар академияси Механика институтининг катта илмий ходими сифатида фаолият кўрсатган. Унинг рафиқаси Муҳбира Жаббор Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетининг чет тиллар кафедрасида немис тили бўйича катта ўқитувчи бўлиб ишлаган бўлса, набиралари Саттор Ўрхон ўғли Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонасида хизмат қилган. Соҳила Ўрхон қизи эса немис тили бўйича мутахассис бўлиб етишади. Ўрхон Жаббор рафиқаси билан Германияга бориб, отаси ўқиган ва яшаган ерларни зиёрат қилиб қайтган.


Маҳбуба Муҳаммедова ҳақиқий садоқат тимсоли эди. У оғир дамларда ҳам турмуш ўртоғига вафодор бўлиб, эл-юртга фойдаси тегадиган фарзандларни вояга етказди. Оила шаънини сақлади, қийин вазиятларда ҳам турмуш ўртоғидан кечмади. Оила муқаддаслигини таъкидлаганда насиҳат ёки ривоятлардан кўра Маҳбубахондек аёлларнинг ҳаёт йўлини мисол қилиш энг тўғри йўлдир.

Зебо РАҲМАТУЛЛА қизи

МУТОЛАА

ХЎРЛИКДАН ҲУРЛИККАЧА...

Асар муаллифининг ички туйғулари, фикр ва ғоялари ўз қаҳрамонларининг ҳисларига, хатти-ҳаракатларига қоришиб кетган



Янтоқнинг илдизи тошни ҳам ёриб ўта олиши, токи сувга етмагунича ўсиб, чуқурлашиб бораверишитабиатнинг энг ҳайратланарли ҳодисаси. У саҳрода ҳам, тоғу тошлар орасида ҳам бемалол ўса олади. Майда япроқлари тўкилса-да, ниначаларининг баҳордан қишга қадар яшаб қолишида ҳам ажиб ҳикмат бор. Ниначалар янтоқ ҳаётини муҳофаза этади. Юлсангиз, бармоқларингизга, босиб ўтсангиз, оёқларингизга санчилади. Яқинда Қаюм Собировнинг “Илдиз” номли асарини ўқий туриб, яна янтоқ ёдимга тушди.

Мавридини топиб, китобни қунт билан ўқидим. Асар воқеалари Иккинчи жаҳон урушидан олдинги ва кейинги даврларни ўз ичига олган. Қаҳрамонлари ҳар қандай хўрлигу зулмдан қатъи назар, фақат эзгуликка, озодликка интилиб яшайди. Айниқса, ўз замонасининг жадидларидан бири бўлган Кўчимбой ва хотини Хурсаной ларнинг ички изтироблари, тортган азоблари, орзу-ҳаваслари, саодатли кунлар сари интилишлари шундай жозиб тасвирланганки, беихтиёр кўзингизга ёш келади. Қаттол тузумнинг ёлғонларидан жирканасиз, бўҳтонларидан сесканасиз.

“Илдиз” қиссаси уруш ва унинг атрофидаги даҳшатли воқеаларни, сохта социалистик тизим яратган хўрликларни қамраб олган. Халқимизнинг ҳар қандай шароитда ҳам фақат яхшиликка интилиши, соф инсоний севги-муҳаббатни қадрлай билиши, фарзандларини комил инсон қилиб тарбиялай олиши каби фазилатлари муаллиф томонидан содда ва таъсирли қилиб қоғозга туширилган.

Кўчимбой билан Хурсаной етти фарзандни тарбиялаб вояга етказади. Уларнинг қизи Муаззам билан Содиқ эса ўн бир нафар фарзанд кўришади. Кўчимбой катта Фарғона каналини қазиш ишларида қатнашиб, кунлик режасини ортиғи билан уддалайди. Бироқ ишдан кейин намоз ўқигани учун Ҳошим кўрнинг сотқинлиги ва адовати туфайли қаттиқ калтакланиб, вафот этади. Хурсаной эса эрининг васиятларини бекаму кўст адо қилиб, жон беради.

Уларнинг гапга чечан ва соддагина қизи Муаззамнинг тақдири ҳам онасиникига ўхшайди. Аммо у ўзининг ўлимини, вақти соати етганини олдиндан ҳис қилади. Ўлимни тик қарши олади. Фақат ортида қолаётган фарзандларидан айрилгиси келмайди. Асар муаллифининг ички туйғулари, фикр ва ғоялари ўз қаҳрамонларининг ҳисларига, хатти-ҳаракатларига қоришиб кетган.

“Илдиз”ни ўқиган киши нима учун асарга шундай ном қўйилганини қийинчиликсиз англаб етади. Кўчимбой билан Хурсанойнинг фарзандлари, невара-чеваралари бир қишлоқ аҳолисидан ҳам кўпайиб кетишади. Кўчимбой машъум даврларда жадидлар каби чин озодликни истаган бўлса, набиралари ҳақиқий истиқлол ҳавосидан тўйиб-тўйиб баҳра олишади. Оталарининг айтганларига, билганларига амал қилиб яшашади. Ҳақиқий илдиз шу.

Асар давомида Катта Фарғона каналининг қазилиши, Иккинчи жаҳон урушининг фожиалари билан боғлиқ кўпчиликка номаълум бўлган айрича мисоллар ҳам келтирилганки, булар “Илдиз”нинг қимматини ошириши баробарида, муаллифнинг ўчмас тарих борасида анча-мунча билимга эга эканлигидан далолат беради.

Номлаш масаласида муаллифнинг топқирлиги, зукколиги шундаки, асарни келган жойидан яна давом эттиришга имконият сақлаб қолинган. Кўчимбой билан Хурсанойларнинг отган илдизлари янада катталашади, янада чуқурлашади. Бундай илдиз худди янтоқники каби тошни ҳам тешиб ўта олишига қиссани ўқиган кишиларда заррача шубҳа уйғонмайди. Бу борада муаллиф Қаюм Собировнинг ўзи ҳам худди жадидлар каби аниқ ва теран фикр юритган, ўтмишга муносиб баҳо берган.

Нормурод МУСОМОВ,
журналист.

ЖАҲОН АЙВОНИДА


ЕРГА КИЧИК АСТЕРОИД КЕЛИБ УРИЛДИ



Астрономлар тахминан 70 сантиметр диаметрли астероидни Сибир осмонидаги атмосферада кўришган. Астероид атмосфера қобиғида ёниб кетиб, олов шари ҳосил қилган.

БУКЛАНАДИГАН ГАДЖЕТЛАР ЧИҚАРИЛИШИ МУМКИН

Дисплей таҳлилчиси Росс Янгнинг сўзларига кўра, букиладиган смартфонлар бозори



мижозларнинг қизиқиши паст бўлгани сабабли тўхтаб қолган, бироқ Apple iPhone қурилмаларида шундай ўзгариш қилиши мумкин.

Росс Янг янгилик қилиш орқали бундай кўринишдаги смартфонлар савдоси яна жонланишига умид билдирмоқда.

ҚАДИМИЙ ТАНГАЛАР ТОПИЛДИ

Британиянинг Вусстер шаҳри яқинидаги қурилиш майдонидан Рим императори Нерон (милодий I асрда яшаган) даврига оид жами 1368 дона танга топилган. Топилманинг умумий қиймати 100 минг фунт-стерлингдан юқори баҳоланмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мўъжизавий топилма асрнинг энг муҳим кашфиётларидан бири саналади.



Тахминларга кўра, тангалар Рим армиясини дон ва чорва моллари билан таъминлаган бой деҳқонга тегишли бўлган.

ОДАМ ШАКЛИДАГИ РОБОТ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Optimus лақабли робот одамга ўхшаб ҳаракат қилиш, икки оёқда юриш ва объектларни аниқ бошқариш имконини беради.

Робот ўзи томон ирғитилган теннис тўпларини илиб олаётган видео ижтимоий тармоққа жойланди. Optimus соатига 7-8 километр тезликда ҳаракатланади ва 20 килограммгача



юк кўтара олади. Шунингдек, турли вазифаларни бажара олади. Робот тахминан 20 000 АҚШ долларига баҳоланмоқда.

ХОТИРА АЗИЗ



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Ҳамиджон Бобожонов – 1880 йили Поп райони Чодак қишлоғида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси ҳисобланган. Ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аҳоли орасида миллатчилик тарғиботи олиб борганликда айбланиб, отувга ҳукм этилган.

Алимбек Хидиров – 1904 йили Жомбой райони Татар қишлоғида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси бўлган. Аксилинқилобий фаолияти учун қамоққа олинган. Ҳибсга олинган вақтда ўқитувчи бўлган. Аҳоли орасида миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, уйида аксилинқилобий адабиётни сақлаганликда айбланган. 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 20 августдан ҳисобланган.

Абдуҳаким Ҳотамов – 1883 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. “Шўрои Ислом” ташкилотининг аъзоси бўлган. Дўкон мудири бўлиб ишлаётган пайтда ҳибсга олинган. Харидорлар орасида очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, озиқ-овқат маҳсулотларини сотишни атайин кечиктирганликда айбланган. 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 11 сентябрдан ҳисобланган.

Кубри Ҳамроевич Абдуқаюмов – 1886 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси бўлган. 1931 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил сургунга ҳукм этилган. Ҳибсга олинган вақтда Ўзбекистон кооперация хомашёсида тайёрловчи бўлиб ишлаган. Доимий равишда қарши тарғибот олиб борганликда, капиталистик тузумни мақтаганликда айбланган. 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилиб, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган.

Мирза Бўрон Комилов – 1897 йили Беҳбудий райони Мирмирон қишлоғида туғилган. Ҳибсга олинган вақтда ўрмон қоровули бўлган. Қарши станциясида 48 ишчи орасида отув ҳукмини ташкил этганликда, “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзолари билан алоқада бўлганликда айбланиб, отувга ҳукм қилинган.

Ўринбой Дўсов – 1875 йили Пискент райони Пискент қишлоғида туғилган. “Шўрои Ислом” ташкилотига раҳбарлик қилган. Ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Колхозчилар орасида доимий равишда троцкийчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 16 августдан ҳисобланган.

Мулла Абдурашид Домулла Охунов – 1865 йили Пискент райони Пискент қишлоғида туғилган. Ҳибсга олинган вақтда масжидда имомлик қилган. Аҳоли орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, болаларни руҳонийлар мактабларида ўқитишга чақирганликда, “Шўрои Ислом” аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси бўлганликда айбланган. 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 15 августдан ҳисобланган.

Жалил Ҳидоятов – 1897 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Ҳибсга олинган вақтда ўрта мактабда ўқитувчи бўлган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси бўлган. Мағлубиятчиликка оид аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 14 августдан ҳисобланган.

Ҳикмат Ниғматов – 1900 йили Бухоро шаҳрида туғилган. Аксилинқилобий фаолияти учун ВКП(б) сафидан ўчирилган. “Миллий иттиҳод” ташкилоти Бухоро филиалининг аъзоси бўлган. Файзулла Хўжаев билан яқин алоқада бўлганликда айбланиб, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 20 августдан ҳисобланган.

Федор Васильевич Вавилов – 1883 йили Саратов области Хволинск райони Шаковское қишлоғида туғилган. “Иттиҳоди ислом” ташкилоти аъзоси бўлган. Ҳибсга олинган вақтда йўлларни таъмирлаш хизматида ишлаган. Ишчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларини камситишга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм килинган. Жазо муддати 1937 йил 29 сентябрдан ҳисобланган.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор

Нигорахон АКБАРОВА,
илмий ходим

(Давоми келгуси сонда).

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?



КЕЙИНГИ БЕКАТ – “АДИБЛАР ХИЁБОНИ”

Пойтахт жамоат транспортлари орасида энг қулайи, шубҳасиз – метро! Ёзнинг саратонида салқин, қишнинг қаҳратонида иссиқ. Асосийси, манзилга ўз вақтида етиб олиш учун арзон ва қулай транспорт воситаси. Агар бир неча йил илгари метро ҳақида ёзганимда, шунча қулайликлари орасига, автобусдан фарқли ўлароқ, тирбандлик йўқ, деган жумлани ҳам қўшган бўлардим. Тирбандлик бўлгандан кейин бир нуқтага кўзингни тиккан кўйи ўқилган ёзувни минг бора ўқисанг ҳам худди янги бирор нарса чиқиб қоладигандек, яна тикилавераркансан.

Янги олиб келинган метро вагонлари имкониятлари орасида катта ва кичик мониторлар тирбандликдан чалғиш учун яхши эрмак. У орқали юртимизнинг турли гўшалари маданиятидан лавҳалар берилиши билан бир қаторда, бекатлар кетма-кетлигини кузатиб бориш имкони яратилган. Бекатлар номи иккита тилда ёзилган. Эътиборимни ҳар сафар “Миллий боғ” ва унинг рус тилидаги (агар шундай дейиш жоиз бўлса) “Миллий бог” жумлаларининг ғализлиги чалғитаверади. Юртдошларимизнинг аксари рус тилида сўзлашишни (қисман бўлса-да) билади. Ҳеч бўлмаганда, тушунади. Келинг, “Миллий бог” сўзидаги “бог”ни таржима қилишга уриниб кўрамиз. Луғат китоблари ва интернет тармоғи орқали берилган сўровимизга кўра, “бог”нинг ўзбек тилидаги таржимаси “худо” экани келиб чиқди. Агар луғатлар бизни алдамаётган бўлса, метро бекатининг номи бутунлай ўзгариб кетаётганга ўхшамаяптими?! Агар пойтахтимиз метросидан фойдаланган хорижликлар ушбу номнинг таржима вариантини ўқиса, қандай тушунар экан?!

ТАКЛИФ

Юқорида луғатларга мурожаат қилганимиз “Миллий бог”ни “Миллий боғ” бекатига тўғри тушира олмаганим, балки ўзимнинг айбимдир. Бундан бир неча йиллар олдин айни ўша бекатнинг номи “Ёшлик” эди. Ундан илгарироқ ҳам бошқа ном билан аталганини ёши улуғлар айтиб юришади. Модомики, ушбу бекат номи бир неча маротаба ўзгаришларга юз тутган экан, яна бир бора ўзгартириш керак, деган фикрдаман. Албатта, бу шахсий фикрим. Айни мана шу бекатнинг чиқиш жойида муҳташам “Адиблар хиёбони” ташкил этилган. Унда йигирмадан ортиқ яқин ва узоқ ўтмишда яшаб ижод қилган аждодларимиз ҳайкаллари композиция тарзида бир гўшага жам бўлган. Асли уларнинг ҳар бири номи биттадан бекатга қўйишга лойиқ фидойилар. Келажакда шундай ҳам бўлар, аммо айни пайтда, улар бамисоли бир оила бўлиб жамланган жойни бемалол “Адиблар хиёбони” метро бекати деб аталса, мақсадга мувофиқ бўларди. Хиёбонда ҳайкали қад ростлаган адибларнинг сана билан боғлиқ кунларида учрашувлар, очиқ дарслар ва шеърият кечалари ўтказилмоқда.

Ажабмас, яқин келажакда ўша таниш овоз орқали “Эҳтиёт бўлинг, эшиклар ёпилади. Кейинги бекат “Адиблар хиёбони” деган сўзлар жаранглаб турса.

Шерзод ШАРИПОВ
Фейсбук

ТАҚДИМОТ

КЎНГЛИ НОЗИК, ТАБИАТИ ФИДОЙИ

Санъаткор халқи ижоддан бошқа нарса билан қизиқмайдигандек, кўпроқ ўз ички дунёси, асарлари, ижро этаётган қўшиқлари, театр, кино, телевидениедаги фаолияти билан банд бўлади. Бу соҳа вакилларининг кўнгли нозик, табиати ўзгача бўлиши ҳам ҳақиқат. Бундай инсонларга раҳбарлик қилиш, уларнинг кўнгли билан ҳисоблашиш, қалбига йўл топиш мушкуллик туғдириши бор гап. Ижодкорлар жамоасини бошқариш учун раҳбар нафақат соҳа билимдони, балки инсон қалбини тушунишга қодир меҳрибон, самимий шахс ҳам бўлиши лозим.



“Бахтиёр Сайфуллаев. Сўнгги нафасгача” ҳужжатли фильмидан лавҳа.

Яқинда ана шундай устоз мураббий, самимий инсонлардан бири ҳисобланган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби, профессор Бахтиёр Сайфуллаевнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳужжатли фильм суратга олинди.

Республикамизнинг турли ҳудудларида, Москва, Санкт-Петербург, Бишкек каби хориж шаҳарларида тасвирга олинган мазкур фильмнинг дастлабки лавҳалариданоқ томошабин кўз ўнгида ўзбек санъати ривожининг сўнгги йилларида Олий Мажлис Сенатининг ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси сифатида самарали фаолият кўрсатди. Бир сўз билан айтганда, Бахтиёр Сайфуллаев том маънода санъат ва маданият фидойиси эди.

– Бу инсон ўзининг бутун умрини миллий маданиятимиз ва санъатимиз равнақига бағишлаганини инобатга олиб, ушбу фильмни “Бахтиёр Сайфуллаев. Сўнгги нафасгача” деб номладик, – деди Кинематография агентлиги директори Шуҳрат Ризаев фильм тақдимотида. – Бахтиёр ака устозларига меҳрли ва садоқатли бўлгани боис ўзи ҳам катта эҳтиром топди. У киши жуда нурли, ибратли умр кечирди.



Фильмда бир қатор устоз ижодкорлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларининг Б.Сайфуллаев ҳақида билдирган фикрлари бу инсон ҳақиқатан ҳам ибратли ҳаёт кечирганидан далолат беради. Хусусан, Маданият вазири, таниқли санъаткор Озодбек Назарбековнинг қуйидаги эътирофи фикримизнинг далилидир: “Олий ўқув юртига ўқишга киришимда Бахтиёр аканинг ҳиссалари катта бўлган... Маданият вазирлигида иш бошлаганимда ҳам у киши менга алоҳида ишонч билдирган эди. Маданият соҳасидаги қонунчилик ва бошқарув масалаларини ўрганишимда Бахтиёр аканинг хизматлари беқиёс бўлди”.

Шунингдек, фильмда Б.Сайфуллаевнинг ташкилотчи раҳбар, устоз сифатидаги фазилатлари, ғамхўр оила бошлиғи, меҳрибон, маслаҳатгўй ота сифатидаги қирралари таъсирчан ҳаётий лавҳаларда очиб берилган. Айниқса, устознинг икки фарзанди ҳам бугунги кунда миллий маданиятимиз ривожи йўлида қизғин фаолият кўрсатиб, отасининг ишларини муносиб давом эттираётгани қувонарлидир.

“Бахтиёр Сайфуллаев. Сўнгги нафасгача” ҳужжатли фильми Азизбек Турдиев сценарийси асосида режиссёр Муроджон Одилов томонидан суратга олинган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Фирдавс Абдухолиқов фильмга продюсерлик қилган. Пойтахтимиздаги Миллий кино санъати саройида ижодкор ва зиёлилар, талабалар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтказилган мазкур фильм тақдимоти чинакам байрам тусини олди.

Г.УМАРОВА

ҲАЖВИЁТ



ТИЛА ТИЛАГИНГНИ, ДЕБ ҚОЛСА...

Хотун қўйган бир эррайим туғушқан улпатинг бўлса,
Ҳалол эрса онинг илки, санинг ҳам суннатинг бўлса.

Аял зотин кирўроға жамлаб, қуйса мағзаволар,
“Яша, эркак!” деб пишанглар бермака журъатинг бўлса.

Майхонадин чойхонаға саҳар қайтсанг ошикоро,
Чойхона бўлса бошпаноҳ, майхона хилватинг бўлса.

Қизилкўз мирғазаб қўққис сўраб қолса ҳасбу холинг,
Қўйинда ҳужжатинг бўлса, ҳужжатда сувратинг бўлса.

Бурниға тер тошса онинг, ки ҳужжат искаган чоғи:
Ҳоким сандин қарз олғони ҳақинда тилхатинг бўлса!

Тилхатинг ўнг томонида муҳри баҳайбат порласа,
Сўл тарафда дўқ аролаш законний муҳлатинг бўлса.

Шароб заводин эшигин тепиб очсанг мардонавор,
Кетар чоғи товон бирла ёпарға қурбатинг бўлса.

Истироҳат этсанг магар Қўйлуқ бозорин йўрғалаб,
Тўрва-халтанг бўғозланса, он қадар ҳурматинг бўлса.

“Ажал” хониш бошлағунча хушхаёлни сур, Хуноб-о,
Вақт ғанимат, ... отлиғ қип-қизил ғурбатинг бўлса.*

Мулла ХУНОБ

**** – ўқиғувчи ўз кўнглидаги исмни қўйиб олар деган ўйда нуқта чекилди (муаллиф).***

ТИЛБИЛИМ



Ҳозирда кўпгина ўзбек оилаларида янгича арабча ёки бошқа тиллардаги исмларни қўйиш удум бўлган. Кўпинча ота-оналар бундай исмларнинг маъноси ёки қайси тилдан эканлигига эътибор қилишмайди, муҳими, яхши жарангласа, қулоққа яхши эшитилса, улар учун бу буюк топилма.

Шундай отлардан бири – Ясмина, Ясмин ёки Жасмин, “ismlar.com” деган бир сайтда бу исмни – “жаннат гули” деб изоҳлашибди, билмадим, бу гапни қаердан олишган. Мазкур сайтда ёзишларича, ҳозирда бу исмнинг Ўзбекистонда: “Ясмина, Ясминахон, Ясминабону, Ясминаой, Жасмин” каби шакллари бор экан ёки сайт эгалари ўзбекларга шундай исмларни қўйишни тавсия этишяпти. Афсуски, ўзбек исмлари билан шуғулланишдай масъулиятли ишни зиммаларига олган бу шахслар ясмин “жаннат гули” эмас, минтақамизнинг ҳамма жойида ўсадиган ёсуман гули эканлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўришмаган. Ҳеч бўлмаса, Фурқатнинг “Фасли навбаҳор ўлди” ғазалини, майли, ўқишни қўйинг, қўшиғини диққат билан тинглаганларида, балки ўзбек тилида бу гулнинг номи “ясмин” ёки “жасмин” эмас, “ёсуман” бўлишини англашган бўлармиди:

“Настаран ювиб юзни,
ёсуман тузиб ўзни,
Наргиз очибон кўзни
интизори ёронлар”.

Ёки луғатга мурожаат этишлари ҳам мумкин эди, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да: “ёсуман (ф-т) – хушбўй, оқ тўп гулли декоратив бута”, деб изоҳланган. Бу гул номини Бобур ҳам “Бобурнома”да тилга олади: “Яна ёсуман бўладур оқ, муни чампа дейдурлар. Бизнинг ер ёсуманларидин улуғроқ ва иди тундроқ бўладур”, яъни Бобурнинг далолат беришича, ёсуман гули Ҳинд ерларида ҳам ўсар экан, ҳиндлар уни чампа деб аташаркан, лекин биздаги ёсуманлардан баландроқ, ҳиди ўткирроқ экан. Навоий асарларида ҳам бу гулнинг номи “ёсуман” ва “ёсмин” шаклларида учрайди ва Навоий луғатида: “хуш исли оқ ва сариғ тусли гул” деб изоҳланган. Аммо адабиётда ҳийлагар, маккор аёл маъносида Ёсуман кампир образи ҳам бор.

“Ёсуман”нинг асли форсча бўлиб, кейинчалик араб тилига “ясмин” шаклида ўзлашган, араб тилидан эса оврўпо тилларига “жасмин” бўлиб ўтган.

Абдувоҳид ҲАЙИТ

Jadid
adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ

“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:
Иқбол Мирзо

Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари:
Ҳумоюн Акбаров

Масъул котиб:
Шуҳрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Гулчеҳра Умарова

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Кирилл ёзувидаги адади – 5 823
Лотин ёзувидаги адади – 11 902
Медиа кузатувчилар – 19 578
Буюртма: Г – 1239
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 20:00
Сотувда нархи эркин.

jadid-media.uz